O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 13-iyun, chorshanba ✱ № 25 (777) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

НЕГА ЕР СИЛКИНАДИ?



Ер шари ўндан ортиқ йирик плиталарга бўлинган. Улар турли йўналишда горизонтал ҳаракатга эга. Плиталарнинг ўзаро тўқнашуви эса улкан тоғлар ҳосил бўлишига, жумладан, зилзилалар рўй беришига олиб келади. Масалан, Марказий Осиёдаги Тянь-Шань, Помир, Ҳиндикуш тоғларининг пайдо бўлишига Ҳинд ва Евроосиё плиталарининг «тўқнашуви» сабаб бўлган.

➪ 3-бет

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ЭЪТИРОФ РАМЗИ

Давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафта Хитойга буюрган расмий ташрифи алоҳида эътиборга сазовордир.

Чунки мазкур ташриф Ўзбекистон — Хитой муносабатларида ўтган йиллар давомида эришилган диққатга молик барча муваффақиятларни нафақат мустаҳкамлади, балки ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқди.

➪ 5-бет

ИНСОНИЙЛИКНИ КИМ ЎРГАТАДИ?

— Ўтир, — деди онаси унга жой бўшатмоқчи бўлган қизчанинг енгидан тортиб. Онанинг боқишида «Бошқалар не кўйга тушса тушаверсин, фақат сен жонингни койитма» деган худбинликнинг совуқ изҳори жам эди. Автобус яна ўрнидан қўзғалди...

➪ 6-бет

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 июнь куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари Уильям Бернсни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва АҚШнинг кўп қиррали ҳамкорлиги жадал ривожланиб, изчил мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Уильям Бернс, ўз навбатида, Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, АҚШ раҳбарияти Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Батафсил суҳбат чоғида ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари, икки томонлама муносабатларга оид энг долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 20 йил давомида томонлар ўзаро конструктив ҳамкорлик борасида салмоқли тажриба тўплагани таъкидланди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан икки томонлама муносабатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаол ривожлантириш имконини берадиган кенг қамровли ҳуқуқий асоси яратилди.

Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги мунтазам алоқалар, кенгайиб бораётган парламентлараро, давлат ва фуқаролик жамияти тузилмалари ўртасидаги кўп томонлама мулоқотлар ўзаро муносабатларни комплекс тарзда равнақ топтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда АҚШ сармояси иштирокида тузилган 240 корхона фаолият кўрсатмоқда. АҚШнинг 48 етакчи компанияси ваколатхоналари мамлакатимизда рўйхатдан ўтказилган. Учрашувда томонлар АҚШнинг қатор етакчи корпорацияларининг Ўзбекистон бозоридаги самарали фаолияти натижасида тўпланган тажрибага таянган ҳолда, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам кўрсатишга тайёр экани таъкидланди.

Суҳбат чоғида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА



БОЛАЛАР БОҒЧАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 10-мактабгача таълим муассасаси «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик жамғармаси кўмагида янгича қиёфа касб этди.

Боғчанинг асосий ва қўшимча бинолари таъмирдан чиқарилиб, иситиш тизими янгиланди. Кенг кўламли ободонлаштириш, бассейн ва ўйин майдончаларини реконструкциядан чиқариш ишлари амалга оширилди. Боғчанинг замонавий шарт-шароитга эга бўлгани, янги спорт анжомлари ва ўқув жиҳозлари билан таъминлангани болаларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсишига хизмат қилади.

Малакали тарбиячи ва мураббийлар жалб этилган ушбу муассасада 120 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Эндиликда бу ерда хорижий тиллар, бадиий гимнастика, шашка, моҳир қўллар ва рақс машғулотларини юқори савияда олиб бориш учун барча қулайликлар мавжуд.

Суратларда: Қувасой шаҳридаги 10-сонли мактабгача таълим муассасасидан лавҳалар.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Фаолият таҳлилига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда қуйи палата Ахборот хизмати ҳамкорлигида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан амалга оширилаётган ишлар»га бағишланган матбуот конференцияси ташкил этилди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрдаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳамда 2012 йил 19 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар асосида қўмита ҳам ўз фаолият йўналишини белгилаб олгани ва бу борада амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган қонун ва қонун лойиҳалари мазмун-моҳияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Ўтган давр мобайнида қўмитамиз томонидан Концепцияда белгиланган устувор йўналишларга бевосита дахлдор учта, шу жумладан, иккита янги қонун лойиҳаси ва битта амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди, — деди Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Собир Жабборов. — Хусусан, Концепцияда белгиланган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан 2012 йил 27 апрелда кучга кирган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун қўмита аъзолари масъуллигида тайёрланган бўлиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш ва янги иш жойларини ташкил этишга хизмат қилади.

Айни пайтда «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

2 ➤

Юртим, сенга жоним фидо!

Ушбу шиор остида Андижон вилояти ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган ёшлар фестивали ўтказилди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод камолоти учун алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Хусусан, ўтказилаётган турли танловлар ёшларнинг фаоллигини оширишда, ўз иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқаришида муҳим аҳамият касб этмоқда. Вилоятдаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумтаълим мактабларининг иқтидорли ўқувчилари иштирок этган мазкур фестиваль ҳам ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга, фарзандларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, юрт равнақи учун фидойилик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Дастлаб фестиваль қатнашчилари ўртасида "Мен юртимни тасвирлайман" ҳамда "Озод юрт манзаралари" мавзуларида расмлар кўрик-танлови ўтказилди. Иқтидорли болалар ўз расмларида Ватанимиз рамзларини, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва бахтиёр болаликни маҳорат билан тасвирладилар.

Умумтаълим мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остида ўтган тадбирда вилоятда яшаётган турли миллат ва элатлар вакилларининг миллий урф-одат ва анъаналарини акс эттирувчи саҳна кўринишлари намойиш этилди, мустақил Ватанимизни, миллатлараро дўстликни улуғловчи қўшиқлар, рақслар ижро этилди.

"Онам айтган аллалар" деб номланган танловда ўқувчи-қизларнинг миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз ҳақида қай даражада билимга эга эканликлари, "Балли, қизлар!" танловида эса пазандалик, тикувчилик маҳоратлари синовдан ўтказилди. Шунингдек, фестиваль доирасида "Биз гиёҳвандликка қаршимиз" шиори остида иншолар танлови, стол тенниси, шахмат-шашка, арқон тортиш, кураш, тош кўтариш мусобақалари ҳамда гимнастикачи қизларнинг кўргазмали чиқишлари ташкил этилди.

— Фестивалда иштирок этиб, шундай бағрикенг юрт фарзанди эканлигимдан чексиз фахрландим, — дейди тадбир иштирокчиси Нурилло Тўхтасинов. — Биз, ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга ҳар қанча раҳмат айтсак, озод ва обод Ватанимизни ҳар қанча эъзозласак арзийди.

Фестиваль доирасида ўтказилган танловлар, спорт мусобақалари ғолиблари фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзА мухбири

СЕНАТ ПОЧТАСИДАН

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ МУЖАССАМ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталарининг 2012 йилга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолияти режасига мувофиқ Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамкорлигида Хоразм вилоятидаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш жараёни ўрганилди. Ишчи гуруҳи ўз фаолияти давомида вилоятдаги 131 та маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мавзуга доир иш услубларини таҳлил қилдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоят ҳокимлигида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни тартибга солувчи "Хоразм вилояти ҳокимлигида фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тўғрисида"ги Низом, "Вилоятда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни янада яхшилаш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги тегишли қарор ҳамда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни такомиллаштириш бўйича ташкилий-амалий тадбирлар дастури тасдиқланган. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ҳамда вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларининг 2010 ва 2011 йил иш режаларига эса фуқароларнинг мурожаатларини таҳлил этиш, ўрганиш, ижро назоратини таъминлаш билан боғлиқ масалалар киритилган.

Аксарият бошқарув органларида фуқароларнинг мурожаатлари ҳар ой, чоракда ва йил якуни бўйича умумлаштирилиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган шакллар бўйича таҳлил қилиб борилади. Ҳар чорак якуни бўйича таҳлилий маълумотлар ҳоким ҳузуридаги йиғилишда кўриб чиқилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар белгилаб борилади.

Амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар ўз самарасини бераётганлигини, фуқаролардан Олий Мажлиси Сенатига, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларига, Давлат солиқ қўмитасига 2011 йил давомида келиб тушган жами 2757 та мурожаатнинг 2010 йилга нисбатан 943 тага камайганлигида ҳам кўриш мумкин.

Қайд этиш керакки, Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Қонуннинг вилоятдаги ижросини ўрганишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан 2007 йил 23 февралда қабул қилинган Қўмита ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши қўшма мажлисининг 06/-08-сонли қўшма қарори билан вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига юклатилган вазифалар асосан бажарилган. Хусусан, вилоят ҳокимлигида фуқароларнинг мурожаатларини қайд этиш китоби юритилиб, мурожаатларни рўйхатга олиш карточкалари мунтазам тўлдириб борилган ва шу йўналишда махсус компьютер дастури ишга туширилган. Вилоят ҳокимлигига ўтган йил давомида жами 1945 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Шундан 350 таси оғзаки ва 1595 таси ёзма мурожаатлардир. Ёзма мурожаатларнинг 829 таси ҳокимлик аппаратида муҳокама этилган, 265 таси ҳудудий идораларга, 501 таси шаҳар ва туман ҳокимликларига кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун юборилган. Шунингдек, 829 та ёзма мурожаат назоратга олиниб, шундан 262 тасига чоралар кўрилган, 504 таси бўйича тушунтириш берилган, 16 таси рад этилган, 47 таси (ўрганиш куни ҳолати давомида) кўриб чиқилаётгани аниқланган.

Вилоят ҳокимлигига 2011 йилда фуқаролардан келиб тушган ёзма мурожаатларнинг 345 таси (21,6 фоизи) уй-жой ва ер масалалари, 213 таси (13,4 фоизи) фермер хўжалиги, агросаноат инфратузилмаси билан боғлиқ масалалар, 152 таси (9,6 фоизи) иш, иш ҳақи ва имтиёз, нафақа ва моддий ёрдам масалалари, 96 таси (6,0 фоизи) электр энергия, газ таъминотига оид, 76 таси (4,8 фоизи) банк-кредит масалалари, 76 таси (4,8 фоизи) халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим соҳаси, 74 таси (4,6 фоизи) қурилиш соҳаси, 56 таси (3,5 фоизи) соғлиқни сақлаш, 507 таси (31,7 фоизи) бошқа турли масалаларига дахлдордир.

Таҳлил давомида ҳокимликка 2011 йилда 26 та аноним мурожаат келиб тушгани, шундан 10 тасида фуқароларнинг фамилияси, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмагани, 16 та мурожаат ўрганилганда эса аризачи ҳақидаги маълумотлар сохталиги аниқланган.

Таъкидлаш керакки, фуқаролар мурожаатларини ўрганиш, уларга амалий кўмак бериш самарадорлиги ошгани боис, вилоят ҳокимлигига келган такрорий мурожаатларнинг сони 2011 йилда 38 фоизга камайган.

Бундан ташқари, вилоят ва аксарият туман, шаҳар ҳокимликларида фуқароларни сайёр қабул қилиш иш услуби ташкил этилган. Гурлан, Боғот, Хива, Шовот ва Янгиариқ туманларида бу борада қилинган ишларни ижобий баҳолаш мумкин.

Вилоят ҳокимлигида 2010 йил 1 мартдан 10 апрелгача туман ва шаҳар ҳокимликлари аппарати масъул ходимлари ва мутахассислари иштирокида ижро интизомини мустаҳкамлаш, Қонун ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган ўқув семинари ўтказилгани ўз самарасини бермоқда. Худди шундай ўқув семинарларини шаҳар ва туманларда ҳам ўтказиш йўлга қўйилган.

Вилоятда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларга алоҳида эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Вилоят прокуратура органлари томонидан Қонун ижроси юзасидан 2010-2011 йилларда 25 та текшириш ўтказилган бўлиб, қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 73 та тақдимнома киритилган, прокурор протестлари билан қонунга зид бўлган 12 та ҳужжат бекор қилинган, 81 нафар шахсга интизомий, 20 нафарига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган ва улар тегишли жавобгарликка тортилган, Шунингдек, 21 нафар шахс қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилган.

2010-2011 йиллар давомида жиноят ишлари бўйича вилоят судлари томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларини бузган 99 нафар мансабдор шахсга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддаси билан 96 та маъмурий иш кўрилган. Туҳмат қилиб ёзилган ариза ёки шикоятлар учун 2010-2011 йиллар давомида жиноят ишлари бўйича вилоят, туман ва шаҳар судлари томонидан Жиноят кодексининг 139-моддаси билан 15 нафар шахсга нисбатан 15 та жиноят иши, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан 72 нафар шахсга нисбатан 65 та маъмурий иш кўрилган.

Ўрганиш жараёнида вилоятда Қонун ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжудлиги ҳам аниқланди.

Вилоят ҳокимлигига фуқаролардан келган ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг туманлар кесимидаги таҳлили шуни кўрсатдики, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан мурожаатлар сони Янгибозор туманида 56 фоизга, Хонқа туманида 35 фоизга, Урганч шаҳрида 29 фоизга, Қўшкўпир туманида 25 фоизга ошган. Шу билан бирга, соҳалар бўйича қилинган таҳлилга кўра, нафақа ва моддий ёрдам масалаларига доир мурожаатлар 70 фоизга, ёқилғи-энергетика соҳасига доир мурожаатлар 69 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳасига доир мурожаатлар 50 фоизга, агросаноат инфратузулмасига доир мурожаатлар 46 фоизга, қурилиш масалаларига доир мурожаатлар 25 фоизга, банк-кредит масалаларига доир мурожаатлар 21 фоизга, уй-жой ва ер олиш масалаларига доир мурожаатлар 18 фоизга, коммунал хизмат соҳасига доир мурожаатлар 18 фоизга ошган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга етарли даражада эътибор берилмагани сабабли улар томонидан марказий ташкилотларга 2011 йилда келиб тушган мурожаатларнинг сони 2010 йилга нисбатан Ҳазорасп туманида 10 фоизга, Урганч шаҳрида 8 фоизга, Қўшкўпир туманида 7 фоизга ошган.

Вилоят бошқарув органларига фуқаролардан келиб тушган оғзаки ва ёзма мурожаатлар таҳлил қилинганда, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан мурожаатлар сони "Шимолгазтаъминот" УК вилоят бошқармасида 93 фоизга, "Хоразм электр тармоқлари корхонаси" ОАЖда 46 фоизга, вилоят давлат солиқ бошқармасида 37 фоизга, соғлиқни сақлаш бошқармасида 35 фоизга, молия бошқармасида 28 фоизга ошганлиги аниқланди.

Шунингдек, вилоятдаги аксарият бошқарув органларида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни такомиллаштириш бўйича ташкилий-амалий тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлса-да, унда белгиланган тадбирларнинг ижроси тўлиқ таъминланмаган. Қайд этиш керакки, аксарият вилоят бошқарув органлари раҳбарияти томонидан жойларда фуқароларни сайёр қабул қилиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган.

Қонуннинг 8-моддасида давлат органларида фуқароларни қабул қилиш тартиби мазкур органлар раҳбарлари томонидан белгиланиши кўрсатилган. Шунга қарамай, Урганч туман электр тармоқлари корхонаси, Хонқа, Янгиариқ, Урганч туман молия бўлимларида фуқаролар мурожаатлари билан ишлашни тартибга солувчи ички Низом ёки йўриқнома қабул қилинмаган, фуқаро мурожаатлари билан ишлаш, уларни рўйхатга олиш учун масъул шахс ҳамда раҳбар ёки бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг қабул қилиш жадвали буйруқ асосида расмийлаштирилмаган.

"Шимолгазтаъминот" УК вилоят бошқармасида, "Урганчшаҳаргаз", "Шовоттумангаз", "Гурлантумангаз", "Янгибозортумангаз" филиалларида, Халқ банкининг Қараул, Шовот, Урганч шаҳар филиаллари, "Агробанк"нинг Шовот, Урганч шаҳар филиаллари, Урганч шаҳар, Қўшкўпир, Шовот туманлари давлат солиқ инспекциялари, Урганч шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Хонқа тумани тиббиёт бирлашмаси, Урганч шаҳар электр тармоқлари, Шовот ҳамда Гурлан туман электр тармоқлари корхоналарида фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини рўйхатга олиш китоблари талаб даражасида юритилмаган.

Вилоят молия бошқармаси, Хонқа, Янгиариқ, Урганч, Хива туманлари молия бўлимлари, "Агробанк"нинг Урганч шаҳар, Шовот туман филиаллари, Халқ банкининг Урганч шаҳар, Шовот туман филиаллари, Қўшкўпир, Шовот туманлари Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, Қўшкўпир, Хива туманлари халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, Шовот тумани тиббиёт бирлашмаси, Урганч шаҳар ҳамда Хива, Урганч, Қўшкўпир туманлари давлат солиқ инспекциялари, Урганч шаҳар электр тармоқлари, Шовот, Гурлан ҳамда Ҳазорасп туман электр тармоқлари корхоналари, "Урганчшаҳаргаз", "Шовоттумангаз", "Қўшкўпиртумангаз" филиалларида фуқароларнинг мурожаатлари ҳар чоракда ва йил якуни бўйича умумлаштирилиб, таҳлил қилиб борилмаган.

Қонуннинг 18-моддасида ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиш шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилиши белгиланган. Бироқ, Хива тумани ҳокимлигида 16 ҳолатда, Шовот тумани ҳокимлигида 7 ҳолатда, Қўшкўпир тумани ҳокимлигида 6 ҳолатда, Ҳазорасп тумани ҳокимлигида 4 ҳолатда, Янгибозор тумани ҳокимлигида 3 ҳолатда, Хива электр тармоқлари корхонасида 2 ҳолатда, "Урганчтумангаз" филиалида 3 ҳолатда, "Қўшкўпиртумангаз" филиалида 1 ҳолатда, Шовот ва Урганч туманлари халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларида 1 тадан ҳолатда фуқаролардан келган аризаларни кўриб чиқишда бир ойлик муддат бузилган.

Вилоятдаги аксарият бошқарув органларида фуқароларни қабул қилиш хоналари ташкил этилган бўлса-да, улар талаб даражасида жиҳозланмаган, зарур техника воситалари ва адабиётлар ҳамда зарур қонун ҳужжатлари билан таъминланмаган.

Қонуннинг 21-моддасида белгиланган фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шартлиги талаби айрим ташкилот ва корхоналар томонидан бузилган. Жумладан, Урганч ва Янгибозор туманлари тиббиёт бирлашмаларида ҳамда Хонқа туманидаги "Ғайрат" маҳалла фуқаролар йиғинида фуқароларнинг мурожаатларига ёзма шаклда жавоб берилмаган.

Қонуннинг 4-моддасида фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари бир хил аҳамиятга эга эканлиги, Қонуннинг 9-моддасида фуқароларнинг мурожаатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозимлиги қайд этилган. Бироқ, Халқ банкининг Қўшкўпир, Хива филиалларида, "Агробанк"нинг Қўшкўпир, Хива филиалларида, Урганч шаҳар молия бўлимида 2010-2011 йиллар давомида фуқаролар умуман қабул қилинмаган, бирорта ҳам оғзаки ёки ёзма мурожаат рўйхатга олинмаган.

Қонуннинг вилоятдаги маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари юзасидан Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор, ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари Э.Рўзметов ҳамда вилоят ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар масалалари бўйича ўринбосари М.Эрметовнинг ахборотлари тингланиб, муҳокама қилинди. Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталари ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши тегишли қарор қабул қилди.

Кўриниб турибдики, Хоразм вилоятида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида ҳали қилинадиган ишлар талайгина. Вилоят масъуллари ҳар бир мурожаат ортида фуқаро тақдири ётганлигини унутмасликлари керак.

Светлана ОРТИҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

ҲИСОБОТ

Эришилган натижалар фаолликка ундайди

Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси фармойишига биноан жорий йилнинг 1-31 май кунлари мамлакатимизда Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказилди. Тадбирга турли идоралар, ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар жалб этилди. Ҳамкорликда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида қоидабузарликлар сони камайишига эришилди.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги доирасида 25598 та учрашув ва суҳбатлар ташкил этилди. Махсус гуруҳлар томонидан рейдлар ўтказилиб, пиёдалар 5 минг 226 та қоидабузарликка йўл қўйгани аниқланди. Шуларнинг 682 таси меҳнат жамоаларида, 804 таси маҳаллаларда муҳокама қилиниб, тегишли чоралар кўрилди.

Тегишли идоралар, ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда 6110 километр масофадаги автомобиль йўллари кўрикдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тақдимномалар киритилди, 879 та янги йўл белгилари ўрнатилиб, яроқсиз ҳолга келганлари янгиларига алмаштирилди. Шу ўринда қайд этиш лозимки, ойлик давомида автомобиль ва пиёдалар ҳаракатланадиган йўлларда олиб борилган текширувлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳали талайгина муаммолар мавжудлигини намоён этди. Шу боис, йўллар билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш жадал суръатда давом эттирилади.

Тадбирнинг самарадорлигини ошириш, мақсад ва мазмунини кенг оммага етказиш мақсадида телекўрсатувлар намойиш этилди, радиоэшиттиришлар эфирга узатилди, газета ва журналларда мақолалар чоп этилди. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларида жойлашган реклама мониторлари орқали махсус тайёрланган видеороликлар мунтазам бериб борилди.

Ойлик давомида амалга оширилган ишларнинг натижалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида йиғилишлар ўтказилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Камчиликларга йўл қўйган 142 та маҳаллий ҳокимлик, 234 та идора ва ташкилот муҳокама қилиниб, аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги тугаганига қарамай, ички ишлар идоралари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Чунки йўлларимизда ҳамон йўл-транспорт ҳодисалари рўй бермоқда. Уларнинг олдини олиш учун, аввало, одамлар онгида йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўрганиш ва уларга қатъий риоя қилиш кўникмасини шакллантириш даркор. Ҳар бир инсон йўл ҳаракати иштирокчисига айланар экан, у ҳайдовчи, йўловчи ёки пиёда бўлишидан қатъи назар, ўзи ва атрофидагиларнинг хавфсизлигини таъминлашга масъул эканлигини англаши зарур.

Анвархўжа СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,
ИИВ ЙҲХББ матбуот бўлимаси бошлиғи, подполковник

Фаолият таҳлилига бағишланди

(Боши олдинги 7-betda.)

Ушбу қонун лойиҳаси рухсатномалар бериш тизимининг бозор иқтисодиёти тамойилларига мослаштириш имкониятини берадиган меъёрий-ҳуқуқий тизимини яратиш, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларидан ўтиш шартлари ва тартибларини бирхиллаштириш ва шу билан ушбу соҳани тартибга солувчи қонунчиликни тизимлаштириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатнома бериш тартиб-қоидаларини амалга оширишдаги ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф қилишга қаратилган.

Йиғилишда 2011 йил ва 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида қўмита томонидан «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги, «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги каби амалдаги қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижросини ўрганишга қаратилган 11 та назорат-таҳлил амалиёти ва муҳокамалар ўтказилгани қайд этилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган барча саволларга депутатлар ва мутахассислар томонидан тўлақонли жавоб қайтарилди. Шунингдек, тайёрланаётган янги қонун лойиҳалари ва ўтказилиши режалаштирилаётган амалий тадбирлар хусусида қатор таклифлар билдирилди.

Тадбирда қуйи палатанинг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси фаолиятига оид видеоролик ҳам намойиш этилди.

Иномжон АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Нега ер силкинади?

Сўнгги йилларда дунёнинг бир қанча давлатларида кучли ер силкинишлари рўй берди. Айрим худудларда зилзила катта талафотларга олиб келди. Шу боис, яқин йиллар ичида ҳам бундай табиий офатлар рўй бериши мумкинми, деган савол барчани хавотирга солиб туриши табиий. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институтининг лаборатория мудири, академик К.АБДУЛЛАБЕКОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.



— Қаҳҳорбой Носирбекович, маълумки, зилзила табиий офатлар ичида энг хавфлиларидан бири саналади. Умуман, нега ер қимирлайди, зилзила қандай содир бўлади?

— Зилзила сабаблари билан одамлар жуда қадим замонлардан буён қизиқиб келишган. Грек олими Демокритнинг (милоддан аввалги 460-370 йиллар) фикрича, зилзилалар келиб чиқишига асосий сабаб сувларнинг таъсири бўлган. У зилзила қор, ёмғир, денгиз ва кўллардаги сувларнинг ер остига шимилиши натижасида рўй беради, деб ҳисоблаган. Аристотель (милоддан аввалги 384-322 йиллар) маълумотларида эса ғор ва бошқа бўшлиқларда йиғилиб қолган ҳавонинг катта босим таъсирида ер остига кириши, ой тутилиши ва довуллар зилзила сабабчиси, деб кўрсатилган.

Ўрта асрнинг машҳур қомусий билим соҳиблари — Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва кейинроқ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асларида зилзиланинг сабаб ва оқибатлари ҳақида қимматли фикрлар билдиришган. Улар зилзила ҳамма жойда эмас, айрим жойларда намоён бўлиши ҳамда вақти йил фасларига — Қуёш ва Ой фазаларига боғлиқлиги ҳақида ёзишган. Айниқса, «Бобурнома»да зилзила кучи ер устида қандай тарқалиши ҳақида қимматли фикрлар келтирилган.

Ҳозирги кунда зилзилага сабаб сифатида асосан икки хил фикр илгари сурилади. Биринчиси, Ернинг чуқур қатламларида доимо мураккаб кимёвий, физик жараёнлар тўхтовсиз давом этади. Масалан, солиштирма оғирлиги оғир жинсларнинг доимо пастга, енгил жинсларнинг юқорига бўлган ҳаракатини кўрсатиш мумкин.

Радиоактивлик хоссаси ҳамда юқори босим ва ҳарорат асосида бир жинсдан иккинчисининг ҳосил бўлиши ёки жинсларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши натижасида энергия ажралади. Бундай реакциялар содир бўлишига сабаб Ернинг чуқур қатламларида жуда катта босим ва иссиқлик мавжудлигидир. Энергиянинг сақланиш қонунига кўра, у йўқолиб кетмайди. Демак, ҳосил бўлган энергия сарф бўлиши керак. Ушбу энергия Ернинг остида жуда катта ҳажмдаги жинсларни ҳаракатга келтиради. Оқибатда ер силкинади.

Ер шари ўндан ортиқ йирик плиталарга бўлинган. Улар турли йўналишда горизонтал ҳаракатга эга. Плиталарнинг ўзаро тўқнашуви эса улкан тоғлар ҳосил бўлишига, жумладан, зилзилалар рўй беришига олиб келади. Масалан, Марказий Осиёдаги Тянь-Шань, Помир, Ҳиндикуш тоғларининг пайдо бўлишига Ҳинд ва Евроосиё плиталарининг «тўқнашуви» сабаб бўлган.

Марказий Осиё ҳудудида, маълумки, тоғ ҳосил бўлиш жараёни давом этмоқда. Ана шу тоғ ҳосил қилувчи тектоник жараёнлар зилзила содир бўлишига олиб келиши мумкин. Энг асосий сабаб тоғ ҳосил қилувчи ер ости кучларининг майдон бўйлаб бир текисда тарқалмаслигидир.

Одатда, тоғ тизмалари каттароқ, улар ўртасидаги воҳалар эса кичикроқ тезликда ҳаракат қилади. Тезлиги ҳар хил бўлган қатламларда аста-секин бурилишлар, эгилишлар пайдо бўла бошлайди. Бу охир-оқибат уларнинг синиши — парчаланишига олиб келади. Ана шу жараён зилзила оқибатларини келтириб чиқаради, деса ҳам бўлади.

— Офатнинг олдини олишда унинг тарихини билиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай эмасми?

— Тўғри. Кўпгина давлатларда минг йил, ҳатто ундан олдинги зилзилаларнинг тарихий жадваллари тузилган. Минг афсуски, бизда бу маълумотлар тўлиқ эмас. Кейинги 100-200 йиллик маълумотлар бор, холос. Ундан илгаригилари тўғрисида айрим тахминий маълумотлар сақланган.

Шундай бўлса-да, баъзи тахминий маълумотларга қараганда, тарихда айрим шаҳарларимизда кучли зилзилалар бўлиб ўтганини ўқиганмиз. Масалан, 838-839 йиллари Фарғонада, 942 йили Бухорода, 1208-1209 йилларда Урганчда, 1490 йили Самарқандда, 1494 ҳамда 1927 йилларда Наманганда, 1620 йили Ахсикентда, 1821-1822 йилларда Бухоро ва Самарқанд яқинида, 1902 йили Андижонда, 1868, 1924, 1938, 1966 ва 2008 йиллари Тошкентда, 1976, 1984 йилларда Газлида кучли ер силкинишлари содир бўлган. 1902 йили Андижонда рўй берган 9-10 балли ер силкиниши ва 1966 йили Тошкентда бўлган 8 балли зилзила энг кучли бўлган.

Зилзиланинг рўй бериш вақтини олдиндан аниқ айтиш мушкул. Сейсмик кучланишнинг ҳам ўзига хос йиллари мавжуд. Масалан, ўтган асримизда сейсмик жараёнлар 1905-1910, 1930-1950, 1955-1960 йилларда кўпроқ кузатилган. Мутахассисларнинг фикрича, 1998-1999 йиллар ҳам ана шу жараёнга киради ва ҳали давом этиши эҳтимолдан холи эмас.

— Яқин йилларда Ўзбекистон ҳудудида зилзилалар бўлиш эҳтимоли борми? Ундан сақланиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти?

— Табиий офатлар ичида инсон кучи етмайдиганларидан бири зилзила ҳисобланади. Фан уни йўқ қилишга ёки тўхатишга ҳозирча ожизлик қилади. Бироқ бу ундан сақланишнинг иложи йўқ, деган маънони англатмайди.

Кейинги йилларда табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг зарарли оқибатларини камайтиришга шахсан Президентимиз ташаббуслари билан жуда катта эътибор берилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 4 апреллдаги 71-сонли қарори билан Табиий офатларнинг олдини олиш ва зарарли оқибатларини камайтириш бўйича Давлат дастури тасдиқланди. Шунингдек, 2009 йил 9 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институтининг сейсмологик станциялари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги ҳукумат қарори асосида республикамиздаги барча станциялар замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозланаяпти, жорий таъмирдан чиқариляпти. 24 та янги станция ишга туширилмоқда. Бу ишларга давлат бюджетидан етарли маблағ ажратилган.

Сейсмология институтининг энг муҳим вазифаларидан бири республикамизнинг янги умумий сейсмик ҳудудлаштириш хариталарини тузишдан иборат эди. Бу масала бугунги кунда ижобий ҳал этилиб, 2011 йилда "Даврхитеккурилиш" қўмитасида тасдиқланди.

Ҳозир Ўзбекистон ҳудудида тинч ҳолат кузатилмоқда. Аммо кучли зилзилалар қўшни республикаларда бўлиб ўтди. Юртимиз ҳудудидаги тинч ҳолат эса ортиқча энергия тўпланиб қолганлигидан далолат беради.

Мамлакатимиздан анча узоқ бўлган Олой тоғлари ён-атрофлари хавфлироқ ҳудудлардан ҳисобланиб, кучли зилзила 1895-1907 йилларда кузатилган. Иккинчи ҳудуд Туркистон тоғлари ёнбағрида жойлашган. Учинчи ҳудуд Қоратоғ ён-атрофи бўлиб, бу ерда кучли зилзила 1907 йили рўй берган. Ниҳоят, тўртинчиси Ўзбекистон ҳудудининг шимолий қисми бўлиб, бу ерда 1902-1906 йилларда магнитудаси 5-6 бўлган зилзилалар содир бўлган.

Айни пайтда зилзилани ва унинг даракчиларини кузатиш учун Ўзбекистоннинг барча вилоятларида жойлашган махсус станциялар мавжуд, улар тўхтовсиз назорат остида.

Зилзиладан сақланишнинг яна бир йўли, уни олдиндан айтиб бериш масаласидир. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида сейсмология фани зилзилани олдиндан айтиши мумкин. Зеро, зилзила даракчиларини кузатиш натижасида ер қимирлашининг намоён бўлиш қонуниятлари топилган ва уни олдиндан айтиш усуллари ишлаб чиқилган.

Институтимизнинг комплекс экспедицияси республикамизнинг барча вилоятларида зилзила даракчиларини кузатиб боради. Ўтган давр ичида бир қанча кучли зилзилаларнинг жойи, кучи ва вақти аниқ айтиб берилди.

Кези келганда, шуни таъкидлашни истардик: офат юз берган пайтда саросимага тушмаслик лозим. Ер силкинган вақтда ва ундан кейин ҳам қўрқинчни енгиб, ўзни бошқара олиш, тебраниш тўхтагунча уни кутиш керак.

Кўп қаватли уйларда яшайдиганларга хонанинг асосий девори бурчаклари ёки эшик кесакисига ўтиб олиш тавсия этилади. Ҳар бир хонадон соҳиби бундай жойларни олдиндан аниқлаб, уйдагиларига, айниқса, болаларига тушунтириб қўйишса фойдадан холи бўлмайди.

Фавқулодда вазиятлар чоғида тўғри ҳаракат қилиш кўникмасини болаларимизда мактаб давридаёқ шакллантириб бориш билан бирга, уларни табиий офатлардан сақланиш борасидаги билимлар билан қуроллантириш ҳам яхши самара бериши табиий.

Азамат СУЮНОВ
суҳбатлашди.

ДЕПАРТАМЕНТ ФАОЛИЯТИДАН

ДАРОМАДНИ ЯШИРИШГА УРИНМАНГ

Юртимизда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ўрнига, даромадни яширишга уринаётган, нақд пулларни ўз фойдасига ўзлаштириб, охир-оқибат суднинг қора курсисига ўтираётган тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Бундай ҳолатни "Ezoza Savdo Zamini" МЧЖ фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

МЧЖ раҳбари А.Комилов (исм-шарифлар ўзгартирилган) мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ноқонуний йўл билан бойлик орттиришни мақсад қилган ва бир қатор қонунбузарликлар содир этилишига йўл қўйган. Жумладан, жамият фаолияти юзасидан Чилонзор туман ДСИга тақдим этилган ҳисоботларда солиққа тортиладиган база камайтириб кўрсатилган. Натижада давлат фойдасига жуда кўп миқдорда зарар келтирилган. Бундан ташқари, жамиятнинг мансабдор шахслари томонидан импорт қилинган 535 миллион сўм миқдоридаги харидоргир маҳсулотлар — маиший техника товарлари нақд пулга сотиб юборилган, савдодан тушган пуллар банк муассасасига инкассация қилинмаган.

Мазкур жиноий ҳолат юзасидан суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилди, иш судга ошириллди. Суд ҳукмига кўра, айбдорлар тегишли тартибда жазога тортилди.

Умид НОРҚЎЗИЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси бош суриштирувчиси

ҚИНҒИР ИШ ҚИММАТГА ТУШДИ

"Agena Business" хусусий корхонасининг умумий фаолият тури хорижий давлатлардаги корхона ва ташкилотлар билан импорт шартномаларини тузиш, импорт товар моддий бойликларини божхона кўригидан ўтказиш, мамлакатимиз ҳудудига олиб кирилган товар моддий бойликлар билан улгуржи савдо қилишдан иборат. Шунга қарамасдан, корхона томонидан бир қатор ноқонуний ишларга кўл урилган.

Жумладан, корхонадаги мавжуд цехда ёнғоқ, ерёнғоқ, ўрик, олхўри, қуритилган олхўри, жийда, наъматак каби маҳсулотлар қадоқланиб, қўшни Қозоғистон Республикасига экспорт қилиб келинган. Шунингдек, у ердан келтирилган 630340 минг сўмлик ун маҳсулоти нақд пулга сотилиб, сотувдан тушган маблағлар банкка топширилмаган.

Шунингдек, корхона томонидан чет давлатларга ҳўл мевалар экспортини амалга ошириш мақсадида бир гуруҳ шахслар номига сохта юк хатлари тайёрланиб, бу маҳсулотлар гўёки уларнинг томорқаларида етиштирилгандек кўрсатилган. Аслида эса, ҳўл мевалар улардан эмас, нақд пулга бозордан сотиб олинган.

Текширувларда аниқланган далиллар бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилди ва жиноий иш судда кўриб чиқилди. Суд ҳукмига кўра, корхона раҳбари 2 йил муддатга ташкилий бошқарув ва маъмурий хўжалик ваколатлари берилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди, шунингдек, етказилган зарар тўлиқ ундирилди.

Нодир ЗУПАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи

АБИТУРИЕНТ — 2012

Интилганга толе ёр

Абитуриентларни ҳаяжонга соладиган давр — олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини топшириш онлари ҳам яқинлашиб қолди. Тест синовидан муваффақиятли ўтиш учун етарли билимларни эгаллаш билан бир қаторда имтиҳон топшириш тартиб-қоидаларини яхши билиш ва хатоларга йўл қўймаслик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тажриба шуни кўрсатадики, абитуриентлар тест синовига тайёргарлик кўриш давомида олган билимларини ҳар доим ҳам эслаб қолишавермас экан. Чунки инсоннинг ўз олдига қўйган мақсадига зўр бериб интилиши унинг ақлий ҳамда руҳий зўриқишига олиб келади. Бунинг натижасида инсоннинг хотирада эслаб қолиш хусусияти сустлашади ва ўрганган билимлар вақт ўтиши билан бутунлай эсдан чиқиб кетиш эҳтимоли кучаяди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, одам бир соат оралиғида 70 фоиз, кун давомида эса 80 фоиз билимини унутиши мумкин экан. Абитуриентлар билганларини бутунлай эсдан чиқариб қўймасликлари учун ҳам уларни тез-тез такрорлаб туришлари зарур. Такрорлаш жараёнида бир мавзуни шунчаки ўқиб эмас, балки мазмунига кўпроқ эътибор бериб, тушуниб уқса анча муваффақият қозонади.

Олимлар хотира мустаҳкам бўлиши учун кўпроқ музқаймоқ истеъмол қилишни маслаҳат беришади. Тадқиқотларга қараганда, музқаймоқ инсонни ёмон кайфиятдан халос этади, миянинг хотира қисмига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, шоколад, олма ва сабзи шарбатини истеъмол қилиш ҳам хотира мустаҳкамлигини таъминлайди.

«Соғлом танда — соғ ақл» дейди доно халқимиз. Демак, абитуриентлар бу нақлга амал қилган ҳолда, энг аввало, ўз соғлиқларига эътибор қаратишлари лозим. Бунинг учун эса тўғри овқатланиш қоидаларини, шунингдек, ҳар кунги жисмоний машқларни бажариш талаб қилинади.

Жисмоний бардамлик билан бирга, руҳий-психологик саломатлик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Абитуриентлар тест синовларига тайёргарлик кўриш давомида кайфиятларини бузадиган, уларни стресс ҳолатга олиб келадиган ва дарс қилиш истагини сўндирадиган воқеа-ҳодисалардан узоқроқ юргани маъқул. Айнан синов ҳаяжонини йўқотиш мақсадида ҳар хил таблеткалардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Бундай усулни қўллашдан олдин унинг зарарли оқибатлари бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Инсон бош мияси ўз фаолияти давомида кўпроқ кислород, сув ва глюкозага эҳтиёж сезади. Бу моддалар миянинг озуқалари ҳисобланади. Шу сабабли абитуриентлар имтиҳон куни, албатта, нонушта қилишлари лозим ва ўзлари билан сув, шоколад каби озуқа моддаларини олишлари мақсадга мувофиқдир. Синов давомида жисмоний хотиржамлик жуда муҳим саналади. Тест синови куни абитуриентлар ўзларини қулай ҳис қиладиган ва хушмуомалали, озода кўринишда бўлгани маъқул. Танани сиқиб турувчи, терлатувчи кийим ва оёқ кийимларни киймасликлари керак.



Тест синови абитуриентлар учун жуда муҳим. Лекин унга ҳаёт-мамот масаласи сифатида қарамаслик керак. Инсон ҳаёти давомида бундай имтиҳонларга кўп бора дуч келади. Шу сабабли имтиҳондан ўта олмаслик жуда катта фожиа эмас. Агар бизга бир эшик ёпилса, бошқа бир эшик, албатта, очилади, деб ўйлаш тўғрироқдир. Энг муҳими, умидсизликка тушмаслик. Ана шундагина омад қалити сизнинг қўлингизда бўлади.

Қутлибека РАҲИМОВА,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси

ҚОНУНБУЗАР ҚАНДОЛАТЧИ

Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ният қилган Қобил Зокиров пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги эски хонадонлардан бирини ижарага олди. Икки нафар ишчини ёллаб, турли ширинликлар ишлаб чиқара бошлади. Аммо тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш ёки ишлаб чиқарган маҳсулоти учун сертификат олиш чапани тадбиркорнинг хаёлига ҳам келмади.

Маҳсулотларини улгуржи бозорларда пуллашни йўлга қўйган Қобилнинг даромади кундан-кунга ошиб, босар-тусарини билмай қолди. Юриш-туриши ўзгарди. Бироқ, унинг гердайиши узоққа чўзилмади.

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан Қ.Зокировга тегишли яширин цехда ўтказилган тадбир унинг қилмишини фош этди. Цехда сотиш учун тайёрлаб қўйилган катта миқдордаги ширинликлар, ярим тайёр маҳсулотлар, этикеткалар ҳамда маҳсулот хомашёси ва асбоб-ускуналар мавжудлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Экспертиза хулосасига кўра, маҳсулотлар истеъмолга яроқсиз, деб топилди.

Қонунбузарга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, Жиноят кодексининг бир неча моддалари билан айбдор деб топилди.

Шавкат УСМОНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси тафтишчиси

ТАДБИР

Андижон вилоятида «ОАВ маҳсулотларини сотиш ва тарқатиш тизими ҳамда инфратузилмасини такомиллаштириш масалалари» мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди масъул ходимлари, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги корхоналари раҳбарлари, киоск сотувчилари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Долзарб мавзу муҳокамаси

Семинарда республикамиз Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлари бериш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

Семинар иштирокчиларининг якдил фикрига кўра, мазкур қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши таҳририят, нашриёт ва матбаа корхоналарининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳияти ва малакасини ошириш, матбаа маҳсулотларининг хориж бозоридаги рақобатдошлигини таъминлаш, соҳа ходимларининг моддий фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, матбуот тарқатувчи идоралар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Маълумки, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда вақтли матбуот нашрларини истеъмолчига тез ва сифатли етказиб бериш, аҳолига қўшимча хизматлар кўрсатиш сифатини янада ривожлантириш мақсадида «2011-2014 йилларда вақтли нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш ва хизматларнинг янги турларини жорий этиш дастури» қабул қилиниб, режалаштирилган ишлар амалга оширилмоқда. Дастур доирасида тизим корхоналаридаги мавжуд киосклар жорий ва мукаммал таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда аҳоли гавжум жойларга янги русумдаги киоскларни жойлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Компания веб-сайти ёрдамида даврий нашрларга интернет орқали обуна қилиш ҳамда жараённинг бориши бўйича он-лайн хизмат тури йўлга қўйилган. Обуна тўловларини пластик карточкалар орқали қабул қилишни ташкиллаштириш, мижозларга қулайлик яратиш учун эса, компания шохобчаларини терминаллар билан етарли даражада таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Семинар ишида 2013 йил учун обуна мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш масаласи қизғин баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Тадбир иштирокчилари, айниқса, вақтли матбуот нашрлари учун обунага имкон қадар эртароқ киришиш, бунинг учун обуна каталогини барвақтроқ тайёрлаш лозимлиги, телерадио каналлари ва газеталар орқали обуна рекламалари беришни кенгроқ йўлга қўйиш, жамоатчи матбуот тарқатувчиларни ҳозирданоқ рўйхатга олиш ва уларни рағбатлантириш имтиёзлари билан таништириш муҳимлигини қайд этишди. Шу билан бир қаторда, обуна жараёнида ҳали-ҳануз жойларда кузатилаётган айрим камчиликларга, ноқонуний ишларга чек қўйиш, ҳар бир истеъмолчи ўзи учун зарур бўлган газета-журналларга обуна бўлишни таъминаш зарурлиги борасида ҳам ўринли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўз мухбиримиз

ФЕСТИВАЛЬ

«Озод юрт тўлқинлари»

янги иқтидорларни кашф этмоқда

Ислоҳотлар моҳиятини кенг тарғиб этиш, халқимизнинг маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда демократик қадриятларни қарор топтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Улар ўртасида қатор танловларнинг ўтказиб келинаётгани янги иқтидор эгаларини кашф этиш, журналистлар меҳнатини рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Ана шундай хайрли мақсадда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ўтказилиши аньана тусига кирган «Озод юрт тўлқинлари» фестивали бу йил олтинчи маротаба ташкил этилмоқда.

Навбатдаги медиафестивал «Мустаҳкам оила — мустаҳкам жамият: барқарор ва фаровон Ўзбекистон» шиори остида ташкил этилиб, унинг барча номинациялари Мустаҳкам оила йилига бағишланган. Режага мувофиқ, 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан медиа-кунлар ўтказилиб, тадбирлар доирасида «ОАВ фаолиятининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш — ахборот соҳасини демократлаштиришнинг муҳим шарти» мавзусида халқаро давра суҳбати, «Озод юрт тўлқинлари — 2012» медиа-фестивали, «Соғлом оила — соғлом жамият» телемарафони, раҳбар, журналист ва техник ходимлар учун хорижий мутахассислар иштирокида семинар машғулотлари, ЎзЭОАВМА ва ЎзНТТ ҳисобот конференциялари ташкил этилади.

Медиа-фестивалда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, давлат дастурларининг амалга оширилиш жараёнларини ёритишда нодавлат телерадиостанциялар эфирини жамиятнинг сиёсий, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан ривожланишига кўмаклашувчи телерадиодастурлар билан бойитишда фаол иштирок этган ижодий гуруҳлар ва журналистлар тақдирланади.

Айтиш жоизки, фестиваль ташкил этилганидан буён нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг моддий техник базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Фестиваль танловларида ғолиб чиққан телестанция жамоалари рақамли видео камералар, монтаж компьютерлари ҳамда бошқа турдаги замонавий аудио ва видео техника воситалари билан рағбатлантириб келинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, телестанцияларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш баробарида теле ва радио дастурлар сифатининг янада яхшиланишига имконият туғдираяпти.

Шунингдек, ЎзЭОАВМА томонидан ҳар йили медиа-фестиваль ҳамда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан «Озод юрт тўлқинлари» журнали чоп этилади. Унда нодавлат ОАВ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳияти, медиа-фестиваль тўғрисидаги маълумотлар ўз аксини топади. Фестивалнинг бошқа танловлардан фарқи шундаки, унда ғолиблар нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан тадбир ўтиши жараёнида тўғридан-тўғри электрон овоз бериш йўли билан аниқланади.

Медиа-фестиваль Олий Мажлис қошидаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, ЕХҲТ, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилади.

Абдусамад МЕҲМОНОВ

КАСБИМИЗ ФАХРИЙЛАРИ

Журналист — инсон руҳиятининг меъмори. Бу таъриф ижод аҳлига бежиз айтилмаган. Бугунги ахборот даврида одамларнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёқарашининг бойиши, комил шахс бўлиб улғайишида оммавий ахборот воситалари, журналистларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, ҳаққоний ахборот ўқувчининг маданий савиясини оширади, самимий сўз эса яхши амалларга ундайди.

Самимий сўз соҳиби

Кўнгил тошиб, шуни айтиш мумкинки, бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 6 минг нафардан ортиқ ижодкор эл-юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшяпти. Радиожурналист Камолиддин Ғуломов улардан бири. У ўзининг узоқ йиллик иш фаолиятида «Ёшлар» каналида кўплаб қизиқарли эшиттиришлари билан тингловчилар эътиборига, элнинг назарига тушди.

Одамлар айтмоқчи, ҳолва деган билан оғиз чучимайди, бу машаққатли изланиш, ўз вақтида устозлар ўгитини «илиб олиш», ҳаётий тажриба, яхшиларга эргашишнинг тотли меваси.

Дарвоқе, Камолиддин Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов, илм дарғаси Ғулом Каримов, Ғайбулла ас-Салом каби устозлардан таҳсил олди. Маъриф Қориев, Абдулла Орипов, Ўлмас Умарбеков каби эл ардоқлаган ижодкорларнинг назарига тушди. Устозлар изидан борди.

Камолиддин меҳрибон ва талабчан оила бошлиғи. Марҳаматхон билан уч ўғил, уч қизни вояга етказди. Бири тележурналист, бири илм эгаси, педиатр, қурувчи.., муҳими, ҳаммаси жамиятда ўз мавқеига эга комил инсонлар.

Шогирдлари ҳам элга танилишга улгурган. Умида Усмонова ёки Асрор Аброрхўжаевлар томошабинлар эътиборини аллақачон қозонган. Камолиддин Ғуломовни газетхонлар ҳам яхши танийди. Турли даврий нашрларда танқидий мақолалари, лавҳа, очерклари тез-тез чоп этилади.

Айни пайтда у «Маърифат гулшани» газетасида баҳоли қудрат ижод қиляпти. Камолиддин ҳақида гап кетса, ижод аҳли «самимий сўз соҳиби» дейди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай ижодкорнинг ютуғи — ўткир, тўғри ва, албатта, самимий сўзни баралла айта олишида.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ,
фахрий журналист

НУҚТАИ НАЗАР

Шаънингни шарафла, ҳамкасб!

Яқинда танишларимдан бири суҳбат асносида «Сиз, қаламкашларга ҳам жуда оғир», деб қолди. Кейин гапини изоҳлай кетди: «Сизларнинг номларингни сотиб, ташкилотма-ташкилот санғиб, чўнтак қаппайтиришни ўйлаётган кишиларни назарда тутаяпман. Уларнинг каснга номингиз ёмонга чиқади. Йиллаб топган обрў-эътиборингиз назардан четда қолади».



Бу гап каминани анча ўйлантириб қўйди. Тўғри, гуруч курмаксиз бўлмайди. Ахир, ўзим ҳам фирибгар «журналистларга» бир неча бор дуч келганман. Хўш, уларнинг иши учун биз жавобгар бўлишимиз керакми? Бу саволга йўқ дейиш осон. Аммо миллат кўзгуси, жамият шифокори каби олий рутбаларга сазовор журналист йўқ, дея олмайди, назаримда.

Анча йиллар аввал эди. Таҳририят топшириғига кўра туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи билан суҳбат уюштириш учун бордим. Банд экан. Бир соатлар вақт ўтгач, унинг хонасидан ёш ҳамкасбларимиздан бири қўлида бир қанча дори-дармонларни кўтариб чиқди.

Ичкарига кириб, саломлашиб, муддаога ўтганимни биламан, бошлиқ асабийлашиб росманасига дод-войлаб кетди:

— Вой-во-е, бу журналистлардан қутуламанми, йўқ?! Кечагина биттаси келиб, роса бошимни қотирганди. Бугун саҳармардондан яна бири ҳозиру нозир бўлиб турибди. Унга ҳам дори-дармон керак экан. Унисини жўнатсам, энди буниси... Тинч қўясизларми ўзи ёки йўқ?

— Жаноб бошлиқ, — дедим босиқлик билан. — Мен сиздан бирор нарса таъма қилиб келганим йўқ. Таҳририят топшириғи билан фаолиятларингизни ёритмоқчи бўлиб келдим, — шундай дея йўлланмамни кўрсатдим. — Қолаверса, ким келиб, дори бер, деса бераверасизми? Ёки ишингизда бирор камчилик борми?

У бироз тинчлангандек бўлди. Анчагача турли мавзуларда суҳбатлашиб ўтирдик. Керакли маълумотларни олиб, қайтар чоғимда у истиҳола билан гап бошлаб қолди:

— Биласизми, бояги асаббузарлик учун минг бор узр. Очиғи, мен энди мухбирлар билан қандай муомала қилиш кераклигини ўргандим...

Албатта, нуфузли таҳририятларнинг номини сотиб, қаллоблик қилиб юрганларга аксарият ҳамкасбларимиз ҳам дуч келишган. Лекин, тан олайлик, мана шундай таъмагирлик ҳолатларига барҳам берилмаётганига, уларга чув тушиб қолаётган айрим ташкилот раҳбарлари, фуқароларнинг амалдаги қонунчиликдан бехабарлигига ҳам, аслида, биз, журналистлар айбдор эмасмизми? Зеро, бу воқеа-ҳодисалар етарлича қаламга олинса, бундай ғаламисликларнинг бартараф этиш йўллари ва чоралари тез-тез публицистлар, муштарийлар ўртасида муҳокама қилиб турилса, назаримда, ўринсиз нолишларга ҳам ҳожат қолмасди.

Холмўмин ХУДОЙҚУЛОВ,
матбуот фахрийси

МУАММО ВА ЕЧИМ

"Ёмон"нинг ҳам "яхши"си бўлади

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун ўзимизга ёқмаган нарсанинг фақат ёмон жиҳатларини излаймиз-у, ижобий томонлари ҳақида ўйлаб кўрмаймиз? Ваҳоланки, яхшидан ёмон ясаш ҳам, ёмондан яхши ҳосил қилиш ҳам ўз қўлимизда. Қолаверса, "ёмон"дан ҳам яхши мақсадларда фойдаланиш мумкин. Масалан, бугунги кунда кўплаб юртдошларимиз фойдаланиб келаётган ижтимоий тармоқлардан бири — «одноклассники.ру» сайтида ижобий ва салбий ҳолатлар кузатилаётгани барчамизга яхши маълум. Яқинда ёшларнинг асосий вақтини ўғирлаётган ушбу "ўргимчак тўри"нинг ўзбек тили версияси ишга тушди. Бу қувонарли ҳол, албатта. Чунки бу "одноклассники.ру"нинг юртимиздаги фойдаланувчилари учун бирмунча қулайликлар яратиши табиий. Аммо...

Маълумки, «одноклассники.ру» сайти дунёнинг бир нечта давлат аҳолисини ўзида қамраб олган йирик ижтимоий тармоқ ҳисобланади. Ундан 2 миллион ўзбекистонлик фойдаланувчи рўйхатдан ўтган. Бу жами аъзоларнинг 20 фоизини ташкил қилади. Солиштириш учун айтадиган бўлсак, энг машҳур ижтимоий тармоқ — "facebook.com"нинг 130 минг ўзбекистонлик фойдаланувчиси бор. Маҳаллий ижтимоий тармоқ бўлмиш "muloqot.uz" фойдаланувчилари сони эса тахминан 23 минг нафарни ташкил қилмоқда. Кўриниб турибдики, ўзида битта ҳудудда истиқомат қилаётган 2 миллион кишилик аудиторияни бирлаштирган "одноклассники.ру" сайти бугун ёшлар тарбиясида, уларнинг дунёқараши шаклланишида жуда катта роль ўйнамоқда. Чунки бу сайтдан рўйхатдан ўтган ҳамюртларимизнинг аксарияти 15-25 ёшдагилар. Ўзбекча версия яратилгандан сўнг бу кўрсаткич янада кўтарилиши табиий.

Ёшлар "одноклассники.ру" сайтидан фақат яхши тарафларини ўзлаштиришса майли-ку-я, бироқ, бугунги кунда авж олиб бораётган ахборот хуружларининг домига тушиб қолишса-чи? Қолаверса, қўшни давлатларда содир бўлган тартибсизликларда, жиноятчиларни бирлаштиришда, улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришда ижтимоий тармоқлардан фойдаланилгани бунга беэътибор бўлмасликни тақозо этади.

"Одноклассники"даги кўпгина фойдаланувчиларнинг профилига кирсангиз, турли соҳа ва йўналишлардаги гуруҳларга аъзо эканлигини ҳам кўришингиз мумкин. Сайтда ёшларга, умуман, сайт фойдаланувчиларига айрим ёт ғояларни тарғиб этаётган, турли интим хизматларни реклама қилаётган юзлаб, минглаб гуруҳлар мавжуд. Баъзи ёшлар ана шу гуруҳларга аъзо бўлиб, улардаги мавзуларни ўқиётгани, ҳатто шарҳ ёзаётгани уларнинг бу даъватларнинг домига тушиб қолаётганини англатади. Баъзан қизлар ва йигитлар, севишганлар учун махсус очилган айрим гуруҳларда ўқиганда кишини сескантириб юборгудек беҳаё мавзуларни ҳам учратиш мумкин. Ачинарлиси, айрим муҳаббати рад этилган йигитлар ўзлари ёқтирган қизларнинг суратларини турли беҳаё расмлар билан қўшиб, интернетга жойлаб қўйишдан ҳам тап тортишмаяпти. Унга қизнинг уй манзили, телефон рақамлари илова қилинган ҳолатлар ҳам учрайди... Бу каби гуруҳларнинг администраторлари ўзининг кимлигини яшириши уларнинг йўқ қилиниши учун тўсқинлик қилмоқда. Ана шу тўсиқ ушбу турдаги гуруҳларнинг сони ортиб боришига йўл очиб беряпти. Эндигина онги ривожланиб, тарбияси шаклланиб келаётган ёш авлод учун бу каби ҳолатлар катта зиддиятларни келтириб чиқариши мумкинлиги хавотирли. Афсуски, бугун кўплаб ота-оналар ҳам фарзандларининг виртуал оламдаги "ҳаёт"ларидан бутунлай бехабарлар.



Мақола аввалида айтганимиздек, "ёмон"нинг ҳам "яхши"си бор. Худди шундай мазкур сайтда ҳам фойдаланувчилар учун фойдали, бугуни ва келажак ҳаёти учун асқотадиган гуруҳлар йўқ эмас. Ўзида беш ярим мингга яқин юртдошларимизни бирлаштирган "Ўзбекистон ҳақида барча янгиликлар" гуруҳини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. "Сенатор" тахаллуси остидаги шахс томонидан ташкил этилган мазкур гуруҳ 2011 йилнинг 29 июнида яратилган. Очилганига ҳали бир йил бўлиб улгурмай минглаб аъзо йиға олган мазкур гуруҳ Ўзбекистонда рўй бераётган янгиликлардан бохабар этиш билан бирга, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар, учраётган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил баён қилади. Бу гуруҳ ҳеч қандай расмий мақомга эга бўлмаса-да, мавзуларнинг жиддийлиги, янгиликларнинг тезкор ва аниқлиги гуруҳ аъзоларини сергакликка, ватанпарварликка ундайди.

Гуруҳнинг номини ўқиб, унда чиндан ҳам, барча янгиликлар баён қилинармикин, деб ўйлашингиз табиий. Қайд этиш лозимки, гуруҳ республикамиздаги мавжуд расмий интернет сайтлари, давлат порталларидан маълумотлар йиғади ва уни гуруҳ янгиликлари қаторига киритади. "Сенатор" (гуруҳ администратори — Ҳусан Комилжонов. Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридан) томонидан эълон қилиб борилаётган янгиликлар ишончли ва расмий тасдиқланган. Гуруҳда ҳар куни 5-10 тагача янгиликлар, турли соҳадаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган мавзулар ёзилади. Қатъий қоидалар тизими ўрнатилганлиги аъзоларнинг шарҳлар ёзаётганда чегарадан чиқмасликка, бир-бири билан қўпол муомалада бўлмасликка даъват этади. Яна бир фойдали жиҳати шундаки, гуруҳ мавзулари орасида Ўзбекистстон Республикаси Конституцияси, юртимиздаги вазирликлар, идора ва ташкилотлар ҳақида маълумотлар берилган. Уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг манзили, телефон рақамлари илова қилинган. Янгиликлар бўлимида барча соҳадаги ўзгаришлар билан бир қаторда, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, қарор ва фармойишлар ҳам ўрин олади. Гуруҳ фотоальбомида эса давлатимиз рамзлари, мамлакатимизда чиқарилаётган автомобилларнинг суратлари мавжуд. Бир сўз билан айтганда, бу гуруҳнинг фойдали жиҳатлари жуда кўп, десак янглишмаймиз.

Хуллас, мана сизга, "яхши"нинг "ёмон"и ва "ёмон"нинг "яхши"лари! Шуни айтиш жоизки, бир нарса ҳақида хулосага келишдан аввал, уни ҳар тарафлама ўрганиб чиқиш, яхши ва ёмон томонларини таҳлил қилиш лозим. Биргина «одноклассники.ру» сайти ҳақида фикр юритганимизда ҳам оғзимизни кўпиртириб «ажойиб сайт» ёки "бу сайт умуман бўлмағур нарсаларни ўзида жамлаган" дейишимиздан олдин унинг ҳар бир жиҳатини кўра билишимиз лозим. Агар шу қатори ижтимоий тармоқлардан фойдаланаётган вақтимизда ҳам унинг "ёмон"ига эмас, "яхши"сига эътиборимизни қаратсак, уларнинг яхши жиҳатлари ҳам бор эканлигига амин бўламиз.

Ўрни келганда яна бир нарсани таъкидлаш зарур: юртимизда ҳам ижтимоий тармоқларни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилса, уларнинг «ноахлоқий макон»га айланиб кетмаслиги назорат остига олинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Зухра ХАЛИЛОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Дараклар

ФИРИБГАР СПИКЕР

"The Washington Examiner" газетаси берган маълумотларга қараганда, АҚШ Федерал прокуратураси ҳозирда фирибгарликда айбланаётган Вашингтон спикери Куэйм Брауннинг ишини судга оширди. У кредит олиш учун банкка сохта ҳужжатларни топширганликда гумон қилинмоқда.

"The Washington Post" газетасида ёзилишича, Браун 2006 йили кредит ҳужжатлари картасини тўлдираётганда 400 минг АҚШ долларига тенг уйини 850 минг деб баҳолаган.

"Associated Press" агентлиги берган маълумотларга қараганда, айбловдан сўнг Браун ўз мансабини тарк этмаслигини билдирган бўлсада, кўп ўтмай унинг истеъфога чиқиши аниқ бўлиб қолди. Бугун шаҳар кенгашининг махсус мажлисида Куэйм Браун ўрнига янги спикер сайланиши кутилмоқда.

Тахминларга кўра, экс-спикерга 30 йил қамоқ жазоси хавф солмоқда, аммо суд унга енгилроқ жазо бериш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

ЭНГ ЭНСИЗ УЙ

Германиядаги "Koelner Stadt-Anzieger" нашрининг ёзишича, Кельн шаҳрида эни 2,56 метрга тенг уй сотувга қўйилди. Бу ҳақда газетага "Cityhouse Immobilien" компанияси вакили Фолькер Крамер хабар берди.

Уйнинг бошланғич баҳоси 666 минг 666 евро ташкил этмоқда. Крамернинг таъкидлашича, ғайриоддий бу уй кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Унинг аввалги эгаси Аннемари Келлер кўчмас мулкни 1990 йил сотиб олган, ўша пайтда уй дўкон расталаридан иборат бир қаватли бино эди. Аннемари 1996 йили бинони ижарага бермоқчи бўлади. Аммо бино қурилиши қонунан рўйхатдан ўтмагани сабабли уни ижарага беришнинг иложи бўлмайди.

Муаммонинг ечимини архитектор Арно Брандлхубер топди. У бинони қулай ва шинам уй-жой ҳамда офислар маркази сифатида қайта таъмирлади.

"APPLE" ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

"The Australian" нашрининг ёзишича, "Apple" компанияси ўзининг iPad планшети қутисидаги "4G формат" ёзуви учун Австралия ҳукуматига 1,9 миллион доллар жарима тўлайди.

Мамлакатнинг рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш комиссиясининг қатор аризалари маҳаллий федерал суд томонидан кўриб чиқилгач, ана шу тўхтамга келинди. Компания, шунингдек, мамлакат комиссиясига 300 минг Австралия доллари миқдоридаги бадал пулини ҳам тўлаши керак.

iPadнинг учинчи авлод планшети шу йилнинг март ойида сотувга чиқарилган эди. Кўп вақт ўтмай, янги қурилманинг қутиси ва рекламасидаги "4G" ёзуви учун Австралиянинг рақобат ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш комиссияси АҚШ компанияси устидан судга арз қилган. Гап шундаки, iPad планшетининг 4G хизматидан фақатгина АҚШ ва Канада аҳолиси фойдаланиш имконига эга. Австралия уяли алоқа тармоқлари эса 4G тезлигидан фойдаланишга мўлжалланмаган. Шу боис, "Apple" компанияси май ойида ушбу тезлик қўллаб-қувватланмайдиган мамлакат сайтларидаги рекламалардан "4G" ёзувини умуман олиб ташлади.

НОХОЛИСЛИК УЧУН ЭЪТИРОЗ

Украинанинг Буюк Британиядаги элчиси Владимир Хандокий BBC ахборот агентлигини ирқчилик мавзусини нохолис ва ноҳаққоний ёритганига эътироз билдирди. Бу ҳақда "The Gaurdian" нашри хабар берди.

Ўтган ҳафта BBC телеканалида намойиш этилган "Евро — 2012: майдон душманлари" мавзуидаги кўрсатувда Украина ва Польша футбол мухлислари ўртасидаги муаммо кўтарилганди. Элчининг сўзларига қараганда, ирқчилик ҳолатлари баъзида Украинада кузатилиб турсада, BBC томонидан намойиш этилган умумий сюжет нотўғри. Хандокий "Биз мазкур ҳолатни ўрганамиз ва бунинг ортида қандай мақсад ётганини аниқлаймиз", деди.

Кўрсатувда ҳиндистонлик футбол ишқибозлари украиналик мухлислар томонидан калтакланаётгани ҳам намойиш этилган. Боз устига, кўрсатув давомида Англия терма жамоасининг собиқ ўйинчиси Сол Кемпбелл қора танли ирқдошларини Украинага бормаслигини, акс ҳолда улар ватанига тобутларда қайтишлари мумкинлигини таъкидлаган.

30 ЙИЛДАН КЕЙИН ҚОТИЛ АНИҚЛАНДИ

Куни кеча 12 июнь куни орадан ўттиз йил ўтиб Австралияда 1980 йили чақалоқнинг бедарак йўқолгани бўйича суд иши ёпилди. Хабарларга кўра, Азария Чемберлен ўлимида динго лақабли ёввойи от айбдор бўлиб чиқди. Кўп йиллик суриштирувлардан сўнг шундай хулосага келинди.

Маълум бўлишича, 1980 йил эр-хотин Чемберленлар уч фарзанди билан Айерс-Рокдаги лагерь боғида чодир қуришади. Иккинчи кун кечаси Чемберлен хоним овқат тайёрлаётган бир пайтда чодирдаги чақалоғи йиғисини эшитади. Чодир ичига киргач, ёввойи от боласини олиб қочганини айтиб, дод-вой соладди. Ўша вақтда лагердаги бошқа одамлар ҳам итнинг товушини эшитгани ҳақида кўрсатма берган. Бу ерга дам олиш учун келганлар чақалоқни бир неча соат излашади. Воқеа жойига етиб келган қидирув гуруҳи ёввойи от изларини аниқлашади, қолаверса, дам олувчилардан бири воқеа содир этилмасидан 20 дақиқа олдин чодирга яқинлашаётган итни суратга олган.

Шунча дастак бўлишга қарамай, 1982 йилги текширувлар хулосасига кўра, суд от ҳақидаги маълумотлар тўқима, деган қарорга келади ва ўша вақтда навбатдаги фарзандига ҳомиладор бўлган Линди Чемберленни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилади. Унинг эри эса жиноятга алоқадор шахс сифатида қамоққа олинади.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Шарҳ

Ўзаро ишонч ва эътироф рамзи

Ўтган ҳафта халқаро майдонда жаҳон сиёсий иқлимига дахлдор кўплаб воқеа-ҳодисалар рўй берди. Европа Иттифоқи давлатлари раҳбарлари молиявий инқироздан чиқиш борасида бош қотиришни давом эттирган бўлса, Мисрда турли сиёсий кайфиятдаги кучларнинг намойишлари бўлиб ўтди. Сурияниング турли нуқталарида ҳукумат қўшинлари ва мухолифлар ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этди.

Бироқ Хитойнинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг саммити ва унинг доирасида имзоланган икки ва кўп томонлама шартнома ҳамда келишувлар жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турди, десак янглишмаган бўламиз. Чунки бутун дунёни сиёсий ва иқтисодий бўҳрон қамраб олган бир пайтда, ер юзи аҳолисининг 1,5 миллиарддан ортиғи истиқомат қиладиган мамлакат пойтахтида ҳамкорлик ва тараққиётга етакловчи юксак ахдномаларга эришилди.

Энг муҳими, ШҲТ ўтган йиллар ичида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, аъзо давлатларнинг ҳамжиҳатлигини янада яхшилашга хизмат қилаётган ташкилотга айланди. Айни пайтда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Узоқ муддатли тинчлик қарор топган ва биргаликда ривожланадиган минтақани барпо этиш тўғрисидаги декларациясида аъзо давлатларнинг янги, адолатли ва демократик, кўп қутбли дунё шаклланиши шароитида давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш масалаларига умумий ёндашувлари, уларнинг жаҳонда тинчлик ҳукмрон яхлит макон ташкил этишга бўлган интилишлари, ўз мамлакатларидаги мавжуд шароитдан келиб чиқиб, инновацион ва барқарор тараққиёт йўлидан боришга тайёрлиги, умумий тараққиётга ўз мамлакатини ривожлантириш орқали кўмаклашиши, шунингдек, бунинг учун халқаро ҳамкорлик соҳасида аниқ чора-тадбирлар кўриш масалалари белгиланганлиги кузатувчилар томонидан юксак баҳоланмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ШҲТ тузилганидан кейин ўтган 5 йил давомида ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларида катта муваффақиятларга эришилди, ташкилот умумэътироф этилган халқаро тузилма мақомини олди, унинг аҳамияти ва таъсир кучи эса минтақа доирасидан ташқарида ҳам сезилмоқда. Бир сўз билан айтганда, тарихан қисқа даврда ШҲТ нафақат ўзининг яшовчанлигини кўрсатди, балки сиёсат ва хавфсизликдан иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликкача — барча масалаларни ўз ичига олган минтақавий муаммоларнинг бутун бир мажмуини ҳал этишга қодир халқаро форум сифатида жаҳон сиёсат саҳнасидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Савдо-иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири бутун ШҲТ маконида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда барқарор тараққиётни таъминлашдан иборатдир. Айни пайтда ташкилотнинг Ишбилармонлик кенгаши, Саноатчилар ва ишбилармонлар форуми, Банклараро бирлашма каби тузилмалари иқтисодий ҳамкорлик кўламининг кенгайишига хизмат қилиши муқаррар. Асосийси, биргаликда илгари бориш учун, самарадорлик ва муваффақиятга эришиш учун мустаҳкам замин яратилди.

Саммит арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи ва унинг доирасида эришилган келишув ва ахдномалар ҳам халқаро микёсда юксак баҳоланаётир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ишончли ва муҳим шерикчилик муносабатларига эга бўлган Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тарихи юз йилликлар билан ҳисобланадиган узоқ ўтмишга — Буюк ипак йўли даврига бориб тақалади. Халқларимиз ўртасида кўп томонлама дўстона ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлардан гувоҳлик берадиган кўплаб эътиборга молик воқеалар, маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитишига оид маълумотлар тарихий қўлёзмалар саҳифаларида сақланиб қолган.

Ана шундай кўп асрлик муносабатлар замонавий босқичда ҳам мустақил Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ муддатли ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг шаклланиши учун қулай замин яратгани ҳолда, икки мамлакат халқларининг янада яқинлашувига кўмаклашмоқда. Давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг тараққиётига Хитой Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этган 1991 йилнинг 27 декабрида замин қўйилган эди. Дипломатия муносабатлари 1992 йил 2 январда ўрнатилган. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон — Хитой шериклиги ўзининг тобора юксалиши билан ажралиб турдики, бугунги кунда ҳам сиёсий, савдо-иқтисодий, кредит-молия ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кун сайин равнақ топиб бораётир. Замонавий босқичда икки давлат ўртасида ўзаро ишонч, очиқлик ва ҳурматга асосланган фаол сиёсий мулоқот олиб борилмоқда.

Барча даражалардаги делегациялар, биринчи галда, давлат раҳбарлари даражасидаги мунтазам ташриф алмашувлари мавжудлиги юқорида билдирилган фикрни яққол тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафта Хитойга буюрган расмий ташрифи алоҳида эътиборга сазовордир. Чунки мазкур ташриф Ўзбекистон — Хитой муносабатларида ўтган йиллар давомида эришилган диққатга молик барча муваффақиятларни нафақат мустаҳкамлади, балки ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқди.

Хитой раҳбари Ху Цзинтао таъбири билан айтганда, ташрифнинг яна бир аҳамиятли томони Хитой ва Ўзбекистон биргаликда муҳим тарихий воқеани, мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланаётган бир пайтга тўғри келди. Тарихий аҳамиятга эга бўлган мазкур ташриф асносида бир томондан, мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин ўтган йигирма йил давомида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг натижалари сарҳисоб қилинди.

Иккинчи томондан, томонлар ташриф доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларига тенг қирқдан зиёд савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий битим ва шартномалар имзоладиларки, буларнинг бари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ишончли ва дўстона муносабатларни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз. Давлат раҳбарлари томонидан Стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация имзолангани ташрифнинг энг муҳим натижаси бўлди. Декларацияда баён этилган қоидаларни самарали амалга ошириш давлатларимизнинг туб ва узоқ муддатли манфаатларига мос келиши билан бирга Марказий Осиё минтақасида барқарорликни, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қувонарли томони шундаки, дунёнинг манаман деган қудратли давлатларидан бири — Хитой Ўзбекистон раҳбариятининг минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш, барча жабҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигига юксак баҳо берди. Албатта, бу эътирофнинг ўзига хос сабаблари бор. Энг аввало, Марказий Осиёнинг юраги саналмиш Ўзбекистон минтақадаги беш мамлакатнинг барчаси билан, шу жумладан, узоқ йиллардан бери уруш домидан чиқа олмаётган Афғонистон билан ҳам чегарадош. Айни вақтда Ўзбекистоннинг 1991 йилда, тарихан анчайин мураккаб бир даврда мустақилликка эришганини эслатиб ўтиш ўринли. Ўшанда Афғонистон омили туфайли бутун минтақада сиёсий вазият қай тарзда ривожланиши мавҳум бўлиб турган, иқтисодий ва ижтимоий аҳвол ниҳоятда оғир, иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари амалда таназзулга учраганди. Бундай шароитда мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни, Ўзбекистонда ва бутун минтақада миллатлар ва фуқароларо тотувликни сақлаб қолиш ниҳоятда қийин эди. Жамиятни, унинг иқтисодий асосини ислоҳ қилиш жараёнида давлатимиз сиёсати ана шу омиллардан келиб чиққан ҳолда белгиланиб, ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчиллик асосида амалга оширилди. Натижада бугунга келиб, мамлакатимиз минтақада ва халқаро майдонда ўз овозига, ўз сўзига эга бўлди.

Савдо-иқтисодий муносабатлар хусусида гап кетганда, кейинги йилларда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмининг қирқ баравардан зиёд ошгани унинг жадал ўсаётганидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда, сўнгги бир неча йил ичида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда ҳамкорликнинг қарийб барча йўналишлари бўйича салмоқли ютуқларга эришилди. Аммо икки мамлакатда ҳам савдо-иқтисодий ва молиявий-сармоявий ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариш учун ишга солинмаган катта имконият ва улкан салоҳият мавжуд. Мамлакатимиз хитойлик шерикларнинг сармояси ва илғор технологияларини жалб этишдан манфаатдор. Ўзбекистон Хитойнинг бу мамлакат дунёда етакчилик қилаётган соҳалардаги, масалан, телекоммуникация соҳаси, компьютер ва унинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш, маиший техника, машинасозлик, кимё ва нефть кимёси саноатидаги тажрибасига қизиқиш билан қарайди.

Фан, техника, таълим, маданият, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик учун катта салоҳият мавжуд. Бу йўналишлардаги алоқаларни фаоллаштириш учун икки мамлакат ўртасида ахборот алмашувини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Ўзаро хабардорлик ва бир-бирининг маданий-тарихий меросига ҳурмат халқларимиз ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга ва уларнинг яқинлашувига хизмат қилиши, шериклик муносабатларининг ижтимоий асосини мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Хитой маданият ва санъат арбобларининг "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали, "ArtWeekStyle.Uz" санъат ҳафталиги тадбирларидаги фаол иштироки Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги маданий алоқалар мустаҳкамланиб бораётганининг яққол мисоли ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллик санасини нишонлаш доирасида жорий йилнинг февраль ойида "Туркистон" саройида Лючжоу бадиий ансамблининг концерти бўлиб ўтгани икки мамлакат ўртасидаги гуманитар ҳамкорликнинг изчил тараққиётида яна бир муҳим қадам бўлди.

Хитойда ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва бетакрор тарихий меросига катта ҳурмат билан ёндашилади. 2003 йилда Чанчунь шаҳрида ўрта асрлар даврининг машҳур мусаввири, миниатюра рассомчилиги машҳур устаси Камолиддин Беҳзод ҳайкалининг очилиши ўзбек маданиятига нисбатан алоҳида ҳурмат белгисидир.

Гуманитар алоқаларнинг кенгайиб бориши жиҳатидан сайёҳлар алмашинуви соҳасидаги ижобий тамойил ҳақида ҳам тўхталиш жоиздир. 2009 йил июнь ойида "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ва ХХР миллий сайёҳлик маъмурияти ўртасида имзоланган Ўзаро англашув меморандуми ҳамда Хитой томонидан республикамизга ХХР фуқаролари учун сайёҳлик йўналишидаги мамлакат мақомининг берилиши бу борадаги алоқаларнинг кенгайиб боришига хизмат қилмоқда.

Таълим соҳасидаги ҳамкорликка тўхталганда, шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек ёшлари орасида хитой тилини ўрганишга бўлган интилиш йил сайин ўсиб бормоқда. Бунда Тошкентда 2005 йилдан буён фаолият кўрсатаётган Конфуций институтининг хизмати катта бўлмоқда. Мазкур институт кўплаб ёшларга хитой тилининг асосларини ўзлаштириш, Хитойнинг ўтмиши, маданияти ва замонавий тараққиёти билан яқиндан танишиш учун ажойиб имкониятларни яратмоқда. 2007 йилдан буён Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Хитой томонидан беғараз ёрдам тариқасида тақдим этилган замонавий лингафон асбоб-ускуналари билан тўла жиҳозланган Хитой тили маркази муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Икки томонлама муносабатларнинг барча соҳаларда барқарор ривожланиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йилнинг 5-7 июнь кунлари ХХРга амалга оширган ташрифи, шубҳасиз, икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим ҳодиса бўлиб қолади ва у нафақат Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб беради, балки ҳақиқий стратегик ва узоқ муддатли шерикликнинг асосини мустаҳкамлайди.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Биласизми?

Нобелнинг сўнггги васияти



Орамизда Нобель мукофоти ҳақида эшитмаганлар бўлмаса керак. Аммо, ушбу мукофотга илмий кашфиёти инсоният бошига солган балою офатлардан афсус-надоматлар чеккан машҳур олимнинг ўлимидан бир йил олдин, яъни 1885 йилда қилган васияти асос бўлганлигини кўпчилик билмаслиги мумкин.

Динамитни кашф қилган Альфред Нобель ўз мол-мулкидан келиб тушадиган даромадни физика, кимё, тиббиёт ва физиология фанларини ривожлантирган, илмий кашфиётлар қилган олимларга, умуминсоний қадриятларни ўз асарларида тараннум этган адабиёт намояндаларига, жаҳонда тинчлик ва ўзаро ҳамкорликка ҳисса қўшган таниқли кишиларга ҳар йили мукофот тариқасида бўлиб беришни васият қилади. Бу мукофотнинг дастлабкиси 1901 йили рентген ускунасини ихтиро қилган Рентген Вильгельм Конрадга, кимёгар Вант-Гофф Якоб Хендрикка, тиббиёт ва физиология бўйича қоқшоқ хасталигига қарши эмдорини кашф қилган Беринг Эмиль Адольфга, адабиёт йўналишида атоқли француз шоири Сюллт-Прюдом Ренега насиб этади. 1968 йилга келиб Швециянинг «Сверижс Риксбанк» банки иқтисодиёт бўйича мукофотни жорий қилади, бироқ у халқаро Нобель мукофоти таркибига киритилмайди.

Жаҳонда энг нуфузли мукофотлардан бўлган Нобель мукофотини адабиёт йўналишида 1901 йилдан бери 108 нафар сўз заргари олишга муваффақ бўлган. Булар орасида Рабиндранат Тагор, Бернард Шоу, Томас Манн, Жон Голсуорси, Габриела Мистраль, Роман Роллан, Эрнест Хеменгуэй, Пабло Неруда сингари буюк ёзувчилар ва шоирлар бор. Энг қизиғи, бу мукофотга 1953 йили собиқ Буюк Британия бош вазири Уинстон Черчилл ҳам «ўзининг тарихий ва биографик асарлар ёзишдаги истеъдоди ҳамда инсоннинг энг олий қадриятларини ҳимоя қилган нутқлари учун» лойиқ кўрилган. Истеъдодли француз ёзувчиси Жан Поль Сартр эса мукофотни олишдан бош тортган.

Маъсума ҚУТБИДДИНОВА тайёрлади.

МУЛОҲАЗА

Кунда-кунора эҳтиёж туфайли ул-бул харид қилгани бозорга тушиб турамиз. Пойтахтимизнинг қай бир бозорига борманг, мухташам дўконлар, кўркам, саришта раста ва савдо масканларига кўзингиз тушади. Кўриб баҳри дилингиз очилади. Бундай манзараларни фақат пойтахтдагина эмас, балки юртимизнинг барча ҳудудларида учратиш мумкин.

БУҒДОЙ нонинг ҳам, сўзинг ҳам бўлсин

Кейинги йилларда юртимизда гипермаркет, супермаркет каби савдо марказлари кўпайиб бормоқда. Ҳозир ҳатто қишлоқларда ҳам шундай замонавий савдо марказлари қад ростлаяпти. Улар аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қилаётир. Харидор учун узоқ бозордан яқин дўкон қулай, албатта. Лекин «Онанг — бозор, отанг — бозор» деган гап бежизга айтилмаган. Табиатан шарқ кишиси бўлган юртдошларимиз барибир бозорга тушишни хуш кўришади. Бир қути гугурт олсанг-да, савдолашиб, тортишиб харид қилганга нима етсин, дейди кўпни кўрган кексаларимиз. Бунинг ҳам ўз гашти бор-да.

Аммо... Бозорга тушганда ҳар хил сотувчиларга дуч келасиз. Айримларининг хушмуомаласидан, хизматни қойиллаштишидан дилингиз яйрайди. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, сотувчилар орасида савдо маданиятидан етти чақирим нарида турадиганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Баъзан бирор нарсанинг нархини сўраганимизда «Оласанми ўзи?» ёки «Пулинг бўлмаса нега сўрайсан?» қабилидаги қўпол муомалага дуч келамиз.

— Яқинда маҳалламиздаги супермаркетга ун билан маргарин олгани кирдим, — дейди танишларимдан бири. — Сотувчига «Бир кило ун беринг», десам, «Ака, ун икки килолик қилиб тортилган, ола қолинг», деди. Мен атиги бир кило ун кераклигини айтгандим, сотувчининг юзи ўзгарди, сўнг «Ун тугади, маргарин сотилмайди», деб менга зарда қилди. Мен ҳам бироз қизишдим, аммо ўзимни қўлга олиб, керакли маҳсулотларни кейинги дўкондан харид қилиб кетавердим.

— Бундай воқеа менда ҳам бўлган, — дея суҳбатга қўшилди бошқа бир дўстимиз. — Бозордан қуруқ мева олаётгандим. 100 сўмлик бермоқчи бўлиб санай бошладим. Ҳали мен санашни тугатмасимдан сотувчи пичинг қилди: «Ака, берганингиз 100 сўмлик бўлса, шуниям бир соат санайсизми?» Бундан таъбим хира бўлди.

Япон халқида бир нақл бор: «Ҳар не қилса ҳам харидор ҳақ!» Тўғри, бизда бу борада ҳали кучли рақобат муҳити юзага келгани йўқ. Бироқ аста-секин шароитнинг ўзи савдо маданиятидан бехабар сотувчиларнинг бозорини касод қилиб боравераді. Зеро, шу соҳада устаси фаранг бўлиб кетган хитойликлар айтганидек, табассум қилишни билмаган одам дўкон очишга ҳақли эмас. Яна халқимизда «Бозор, бозорда барака бор» деган нақл ҳам бежизга айтилмаган. Бу баракани қочирмаслик фақат сотувчининг эмас, балки биз, харидорларнинг хатти-ҳаракатимизга, муомала муносабатимизга ҳам боғлиқ. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида мухташам бозорлар бунёд этилиб, фаолият юритаётган экан, сизу бизнинг савдо маданиятимиз ҳам шунга яраша бўлиши керак.

...Ишдан қайтишда доим бир онахондан нон оламан. У ҳар бир харидорга алоҳида ҳурмат кўрсатади. Аввал обдон ҳол-аҳвол сўрайди, сўнг нонларнинг олди-орқасига қараб, танлаб-танлаб олиб беради. Тўғри, онахон энг яхши нонларни сотиб, бундайроқларини қайтариб олиб кетмайди. Аслида, бу ҳам бир савдо қилишнинг расм-русумида. Шуни айтсалар керак-да, буғдой нонинг ҳам, буғдой сўзинг ҳам бўлсин, деб.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

ҲА-ЁТ

Кўнгил хиёбонидаги кўланкалар

Сўлим мажнунтоллар қуршовида ястанган ўриндиқлар йўлак бўйлаб тизилган. Айрим жойларга қуёш зарраларининг хиёл тушишини айтмаганда хиёбон бўйдор дарахтлар орасига яширинган. Киши кўнглига ҳузур бағишловчи бу гўзал манзара ўзига монанд — беқиёс.

Тонг отиши билан бу ер ўз ташвишлари билан манзили томон ошиқаётган одамларни қарши олади. Уларнинг ўйхаёллари ҳам, мақсадлари ҳам бўлакча. Турли қиёфа, характердаги одамлар ҳаётнинг шиддатли силсиласида гоҳ шошқин, гоҳ секин ўтиб кетмоқда. Онасининг қўлларидан тутиб олган болакай наздида бу маскан дунёнинг энг гўзал гўшаси. Унинг ҳайратларини волидасидан қайта-қайта қизиқиб сўраётганларидан ҳам англаш қийин эмас. Майсаларга салом берган кўйи шодлигини атрофга илинаётган болакайнинг нигоҳи жонсиз хиёбон нафислигини оширгандек бўлади. Аммо...

Кун чиқиши ҳамоноқ одамлар сийраклашиб, ўриндиқларга жуфт бўлиб ёшлар жойлашади. Деярли кунора бу ҳолатни кузатиб кўниккан япроқлар ўзини четга олишга уринади, шох ортига бекинади. Хўш, ёшларнинг бу ерга келишининг нимаси ёмон дерсиз? Йигит ва қиз чин дўст ёки самимий суҳбатдош эмас, ўзларининг таъбири билан айтганда "севишганлар" қиёфасида ва либосида ташриф буюришади. Аслида бу ҳам у қадар ёмон эмас — "Ким севмаган ўн саккиз ёшда?". Аммо кўринишидан туппа-тузук кўринган бу "ошиқи беқарор"ларнинг барчаси ҳам ахлоқ дунёсининг фарзандларими?

Афсуски, йўқ дейишга мажбурмиз. Баъзилари, ҳатто одамлар кўз ўнгида бир-бирининг пинжига кириб, ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлар қилишдан ҳам тап тортишмайди. "Виждонсизлар, уялмаслигини-чи буларни, шарманда", — деди бир сафар ёши улуғроқ онахон юзларини четга буриб. "Севишганлар" эса пинагини ҳам бузишмади.

Ҳа, бундай "Лайли Мажнун"ларга катталар танбеҳ беришса, муҳаббатни рўкач қилишади. Муҳаббатнинг кўчасига йўламаган кўнгиллари ўз ишини тўғри деб билади. Бироқ билишмайдики, бу қилмишлари орқали ишқ юзига доғлар тошади, муҳаббатнинг кўйлаги кир бўлади.

Тонгда хиёбон узра тарқалган гўзаллик ўрнини қопқора доғларга бўшатиб беради. Қуёш юзи панжалар билан қопланади — нафс панжалари. Ўз нафсига қул бўлган, хатоларга алданган бу йигит-қизлар, наҳотки, шу деб ҳайратланасан. Аёл шарафини сонияларда барбод қилувчи шаккокона севги билан бу ғунча, наҳотки, пайҳон бўлаётганини кўрмаяпти, орзуларига путур етказувчи тиконзорга тушиб қолганидан ҳайиқмаяпти? Иффат деворлари нураб бораётганини сезмаяпти? Ё, шунчалик хирс кучидан сўқирга айланганми унинг қалб кўзлари. Нигоҳларда ёлғон, сўзларда ёлғон...

Муҳаббат ҳам йиғлайди. Юрагига қора қуюнлар ҳужум қилган, дунёсини булутлар қоплаган маҳал, уни тилига жойлаб, дилидан бегоналаштирган инсонлар дастидан. У хўрсинади, бахт гулларини яксон қилган дилларни кўриб. Афсуски, биз сизга айтаётган хиёбонга муҳаббат йўламаганига йиллар бўлди. Саволлар адоқсиз: бу сўқир кўзлар келажакка теран нигоҳ билан қандай қарайди? Турмуш остонасида қоқилмайдими? Никоҳ узугини тақаётганда қўллари титрамайдими? Гўшанга ичида зорланмайдими? Ота-оналари ризолигини олар чоғ ўксинмайдими? Саволлар тугун, тугун...

Жамиятни боғга қиёсласак, гулу чечаклари — ёшлар. Бу боғдаги гулларнинг қовжираши боғ кўркамлигига путур етказмай қолмайди. Афсус, баъзан кичик бўлиб кўринган, аслида ёшларнинг энг оғриқли жиҳатлари ахлоққа, виждон масаласига келиб тақаляпти.

...Тонг. Яна хиёбонга сокинлик чўккан. Кун чиқиши билан ўриндиқларда ёшлар пайдо бўлади. Негадир аввалги рангин хиёбон нафислигидан асар ҳам қолмайди, ўриндиқлар хижолат бўлиб кўкариб боради. Дарахт юзидаги япроқлар шохлар ортига беркинади...



Маъмура ЁҚУБОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

Гаровнинг закалат ва ипотека турлари

— Гаров қандай вужудга келади? Гаровнинг закалат ва ипотека каби турлари ҳақида тушунча берсангиз.

Р.Усмонов
Яккабоғ тумани

Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд шартнома (нотариал тасдиқланиши шарт бўлса) нотариал тасдиқланган кундан бошлаб, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганда эса, рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Фуқаролик кодексининг 265-моддасига кўра, гаров закалат, ипотека, бундан ташқари ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин.

Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закалат дейилади. Кўчмас мулкни гаровга қўйиш эса ипотека ҳисобланади.

Саволга Яккабоғ туманидаги 2-сонли ДНИ нотариуси С.ИСМАТОВА жавоб берди.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишди...

— Дугонамнинг опасини катта тантаналар билан тўй қилиб турмушга узатишганди. Лекин кўп ўтмасдан куёвнинг юқумли касаллик билан касалланганлигини билиб қолишди ҳамда уларнинг никоҳини ҳақиқий эмас деб топишди. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш билан никоҳдан ажратишнинг фарқи нимада?

О.Номозова
Нишон тумани

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, никоҳ қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:

— сохта никоҳ тузилганда, яъни эр ва хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳни қайд эттирганда;

— никоҳланувчи шахслардан бири СПИД (ОИВ касаллиги) борлигини бошқасидан яширганда, агар иккинчиси судга шу талаб билан мурожаат этса.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг ҳуқуқий оқибатлари никоҳдан ажратишнинг ҳуқуқий оқибатларидан жиддий фарқ қилади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда жавобгар тараф алданган тарафга никоҳ тузиш бўйича олинган нарсани қайтариб беришга, уни асл ҳолида қайтаришнинг иложи бўлмаганда эса, қийматини пул билан тўлашга, шунингдек, унинг қилган барча харажатларини тўлашга мажбур бўлади. Никоҳдан ажратишда эса жавобгар тараф бундай ҳуқуққа эга бўлмайди. Чунки судда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганида тўйни ўтказишга кетган барча сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди.

Никоҳдан ажратиш ишларини кўришда суд эр-хотинни яраштириш ва оилавий вазиятни соғломлаштириш чораларини кўриш мақсадида 6 ойгача муҳлат бериши мумкин. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топишда эса муҳлат тайинланмайди.

Саволга Нишон туман ФҲДЁ бўлими мудираси Дилфуза ШАМСИЕВА жавоб берди.

Эр-хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби

— Никоҳ шартномасини тузиш мажбурийми? Умуман, ушбу шартнома тўғрисида маълумот берсангиз.

Ж.Акрамова
Чилонзор тумани

Никоҳ шартномаси никоҳланувчи шахсларнинг (эр ва хотиннинг) никоҳда бўлган даврда ёки никоҳдан ажралган тақдирда, уларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган келишувидир.

Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланади. Унда эр-хотиннинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини, судга мурожаат қилиш ҳуқуқини, болаларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини чекловчи нормалар ўрин олмаслиги керак. Аниқроғи, миллий қонунчилигимизга кўра, бундай шартномани фақат мулкка нисбатан тузиш мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Фуқаролик кодексининг 354-моддасига мувофиқ, никоҳ шартномасини тузиш ихтиёрийдир. Яъни никоҳ шартномасини тузиш ёки тузмаслик эр ва хотиннинг ўзига боғлиқ.

Никоҳ шартномаси шартларини бажаришдан бир томонлама бош тортиш мумкин эмас. У эр ёки хотиндан бирининг талаби билан суднинг ҳал қилув қарори асосида ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Саволга Чилонзор туманидаги 3-сонли ДНИ нотариуси Барно КАМОЛОВА жавоб берди.

Ижарачига қандай талаблар қўйилади?

— Мен икки хонали уйимни ижрага бермоқчиман. Айтинг-чи, ижарачига қандай талаблар қўйилади?

М.Абдуллаева
Тошкент шаҳри

Сиз ижара олувчига доимий яшаш учун яроқли бўлган уй-жойни ижарага беришингиз лозим.

Фуқаролик кодексининг 605-моддасига биноан ижарага берувчи ижарага берилган турар-жой жойлашган уйдан тегишли даражада фойдаланишни амалга ошириши, ижрага олувчига ҳақ эвазига зарур коммунал хизмат кўрсатилишини, шунингдек, кўп квартирали уйнинг умумий фойдаланиладиган мол-мулки ва коммунал хизмат кўрсатиш қурилмалари таъмирланишини таъминлаши лозим.

Саволга Ҳамза туманидаги 8-сонли ДНИ нотариуси Янко ЛАДА жавоб берди.

УМР БЕКАТИДАГИ ЎЙЛАР

Инсонийликни ким ўргатади?

Автобус тирбанд. Ҳамма уйига шошаяпти. Кўпчилик толиққан. Навбатдаги бекатдан бозор оралаган жувон чиқди. Қўлида оғир сумка, юзидан чарчаганини шундоққина сезилиб турарди. Аёл беихтиёр нигоҳи билан бўш ўриндиқ қидира бошлади.

— Ўтир, — деди онаси унга жой бўшатмоқчи бўлган қизчанинг енгидан тортиб. Онанинг боқишида «Бошқалар не кўйга тушса тушаверсин, фақат сен жонингни қойитма» деган ҳудбинликнинг совуқ изҳори жам эди. Автобус яна ўрнидан қўзғалди...

... Аслида ҳаёт чархпалаги шундай айланаверади. Тонг отади, кун ботади. Нимагадир улгуриб, нималарга улгуролмай вақтнинг ортидан югурамиз. Одамлар оқимида уйдан ишга, ишдан уйга шошамиз. Ана шу ошиқишлар билан бирга олдимизда ғоят масъулиятли — бугун кечиктирсак эртага оғриқларга сабаб бўлиши мумкин бўлган ФАРЗАНД ТАРБИЯсидек вазифани адо этмоқ бурчи ҳам туради. Айни шу вазифа кун келиб ортга қараганимизда қандай из қолдирганимиз, ким бўлиб яшай олганимизни ҳам аён этади. Кексаликнинг энг азобли палласи ана шу сарҳисоб қаршисида надомат чекмоқ бўлса керак.

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, бундан бир неча йил аввал тобим бўлмай касалхонада даволанишимга тўғри келди. Ҳамхонам — ширинсухангина онахон билан жуда тез тил топишиб кетдик. У кишини юрак хасталиги безовта қилар, аммо шу яқин орада яшаса-да, фарзандларининг йўқлаб келмаслиги дардини янада оғирлаштирарди гўё.

— Синглим, нима бўлганда ҳам инсон болаларини ҳалол луқма билан боқиши керак экан. Мен ўғил-қизларим кўпдан кам бўлмасин, дея ўзимни ўтга-чўққа уриб яшадим. Кези келганда, молимни ўтказиш учун одамларни алдадим, савдода ғирромлик қилган чоғларим ҳам бўлди. Танишбилишларим кўп эди. Фарзандларим элнинг олди бўлиб улғайишди. Лекин улар билан дилдан суҳбатлашишга сира вақт ажрата олмасдим.

Бугун ҳаммаси ишбилармон, топармон-тутармон, ўзларига тинч. Лекин одамгарчилиги йўқ-да. Бир-бирига оддий нарсани ҳам ўлчаб бериб, ўлчаб олишади. Ҳақлари ўтиб кетишидан қўрқишадими-ей. Опасининг боласи касал бўлса, укаси «Мени фалон пайт йўқламаган эди...» дея ҳисоб-китоб қилиб туради. Менга ҳам «Акамга уни бердингиз, укамга бундай қилгандингиз менга йўқ...» деб иддао қилиб кетишади...

Онахоннинг бу икрори, аччиқ қисмати мени ўйлантириб қўйди. Унинг озорларини тинглаб, бу дарднинг сабабларини қидираман.

Халқимиз орасида азал-азалдан ота-онани интизор қилиш катта гуноҳ саналиб келинган. Бундайин азалий қадриятларнинг дарз кетишининг боиси биз юқорида тилга олган «Ўзим деб яша» дея берилган тарбия оқибатининг бир кўриниши эмасмикан?

Бизда одамгарчилик аталмиш гўзал хислатлар шаклланганки, ўзбекнинг жон томирлари ана шу сирли булоқлардан сув ичиб келади. Миллатимизнинг ҳеч бир элу элатларга ўхшамаслиги, улуғворлиги ҳам ана шунда! Лекин баъзи ўринларда биз ўғил-қизларимизни балки аямоқни ўйлаб уларни атрофидагиларга беписандлик билан қараш, лоқайд ва бефарқ бўлишдек иллатларга ошно этиб қўймаяпмизмикан?! «Сенга нима?» қабилидаги ундовлар, баъзида нафсга «қулоқ тутиб» дейлик, қўшнининг гуркираб турган боғидан ниманидир юлиб олишга қисташ, «Фақат ўзим бўлсам» деган ақидани фикру ўйларига сингдириш асли катталар томонидан болажонларимизга узатилаётган «неъмат» эмасмикан? Моддий танқисликлар кун келиб бартараф этилар, кексаларнинг тили билан айтганда, «тўкилганлар тўлиб, камлар битар», аммо оилада маънавий қашшоқлик сари ташланган қадам йиллар ўтган сайин феъллардаги қусурларни янада катталаштириб, қону жонга сингиб кетишига сабаб бўлмасмикин?

Яхшиликни кимдир тегирмонга қиёслаган экан. Нега? Чунки сиз кимгадир яхшилик қиласиз, жавоби эса, балки ўзгадан, эҳтимол, ўзингизга эмас фарзандларингиз, яқинларингизга қайтар. Шу боис, одамгарчилик аталмиш мўъжизакор дарахтнинг яшнаб, яшариб туриши учун оламу одамларга қалбингиз қатидаги гўзал туйғулардан узатиб туринг.

Сўзимиз ибтидосидаги воқеа тафсилотига қайтсам: қизча онасининг айтган гапидан сўнг жойига ўтирди. Унинг мурғак дунёсидаги «Онам ҳамиша ҳақ» деган қарашлар қаторига, «Ўзингни ўйла ва асра, атрофингдагилар билан не ишинг бор, ҳурмат жонингга оро кира оларми-ди?» маъносидаги яна бир хулоса битилди. Бу иллат бора-бора унинг феълу атворига жон қадар сингиб кетмаслигига эса ҳеч ким кафолат бера олмайди. Биз нолиб гапирадиган «Автобусларда ўзидан катталарни кўрса қимир этмайдиган, гоҳи ўзини уйқуга солиб, бамайлихотир дугонаси билан гап сотиб кетаверадиганлар қачондир ўша қизалоқдек сабоқ олмаганмикин?

Ойбуви ОЧИЛОВА,
журналист

ПУБЛИЦИСТИКА

Эртанги кунга ишонч

Туни билан оғриб ҳаловатимни олган тишдан тезроқ қутулиш учун шифокорга мурожаат қилдим.

— Тишингизни ололмайман, буни даволаш керак, — деди у.

— Соғ жойи қолмаган, олиб ташласангиз қутуламан.

— Дўстим, олиб ташлашга ҳар қачон улгурамиз. Аммо ишимиз касал тишларни олиб ташлаш эмас, уларни сақлаб қолиш. Ахир, оғиз бўшлиғидаги битта тишнинг йўқлиги саломатлик билан боғлиқ қанча муаммоларни келтириб чиқариши мумкин...

У ҳақ эди.

***

Муроджон болалигида ҳам бебошроқ эди. Мактабда тенгдошларига нисбатан қолоқлиги, дарсга бўлган эътиборсизлиги учун ўқитувчилардан гап эшитавериши ўзининг ҳам жонига тегиб кетганди. Дарсдан кейин вақтини интернет кафеда ўтказадиган, атрофидагиларнинг унга нисбатан бўлаётган "ноҳақлигини" жангари ўйинлардаги рақибларидан оладиган бўлди. Ўқитувчиси унга дакки берса у дарс тугашини сабрсизлик билан кутар, чиқибоқ интернет кафедаги ўзига қурол ўқталиб келаётган душманни ўқитувчиси тимсолида кўриб, унга қарата компьютер клавишилари орқали ўқ узарди. Гўё ғолиблик нашидасини шундай сурарди. Бу унинг одатига айланиб қолди. Энди мактабда кимда-ким унга қаттиқ гапирадиган ё жаҳлини чиқарадиган бўлса интернет кафега келиб улардан шундай қасдини оларди.

Бу гал унинг кўзига синфдошлари ёмон кўринди. Муроджоннинг дарсларни ўз вақтида бажармаётгани, синфни орқага тортаётгани ўзаро муҳокама қилинди. Санобар унга дарсдан кейин қолиб ўқишни, Акром эса кечқурун уйига бориб бирга дарс тайёрлашни таклиф қилди. Ҳамма ўз фикрини айтди. Муроджонни синфдошларининг юзини ерга қаратмаслиги учун биргалашиб ҳаракат қилишга ундашди.Йиғилиш давомида у ўзини зўрға босиб ўтирди. Мактабдан чиқиши биланоқ интернет кафега чопди. "Countr strikce" ўйинини кеча тўхтаган еридан давом эттирди. Рўпарасидан, ёнидан, орқадан чиқаётган Санобар, Акром, Толиб, Азиза, Отабек, Мақсудни.... аёвсиз «жазолади». Уларнинг бугунги гапирган гапларига пушаймон едирди. Кўзлари компьютер экранига михланиб қолди. Ҳеч бирини омон қолдирмади.

Шу тариқа "душманлари" билан курашиб юрди. Бунинг устига ўйдагиларнинг муносабати ҳам ўз таъсирини ўтказди. Мактабга бормасдан кўчама-кўча сангиб, интернет кафега пул топиш учун ҳар хил йўлларни излашга, бекорчиликдан сигарет чекиш, спиртли ичимликлар ичишга ружу қўйди. Охир-оқибат ўғриликка ҳам қўл урди.

Мана, бугун вояга етиб-етмай қора курсида ўтирибди. Энди онасининг дод-фарёдлари бефойда. Ҳамманинг оғзида бир гап: «Бу боланинг одам бўлмаслиги аниқ эди».

Фақат адабиёт муаллими Ўктам аканинг жони азобда. У идорадан бу идорага чопади. Муроджоннинг оиласи билан гаплашади. Жабрланган оилани муросага чақиради. Уларга ялинади, ёлворади. Охири суд залида ҳам энг биринчилардан бўлиб ўзи сўз олди:

— Муроджоннинг номидан ҳаммаларингиздан узр сўрайман. Ўзи яхши бола, фақат бироз ёшлигига борибди. Унинг бу қилган иши бутун мактабимиз, маҳалламиз номига доғ бўлиб тушди. Лекин, шу ишни деб бир замондошимизни бадном қилиш яхши бўлмас. Ахир, ҳали у ёш — ўзини тутиб олади. Бағри кенглик қилайлик, уни биз тўғри йўлга солмасак, ким қилади бу ишни? Ахир, биз кўпчиликмиз. Маҳалламизда ҳар бир ёшнинг ўз ўрни, ўз вазифаси бор. Бугун уни жамиятдан суғуриб олиб ташласак, бир керакмас буюм каби улоқтириб юборсак, унинг тақдири қандай бўлади?.. Йўқ, биз уни даволашимиз, яна ҳаётга қайтаришимиз керак. Бир кун келиб маҳаллада унинг ўрни албатта топилади. У ўқиб бир жойда ишлаши ёки ҳарбий хизматга бориб Ватанни қўриқлаши мумкин. Ҳозир уни жамиятдан — орамиздан юлиб ташласак, яна-да мудҳишроқ воқеалар содир бўлиши табиий... Шундай экан, Муроджоннинг бу қилган ишини кечиришларингизни сўрардим. Унинг яна соғлом ҳаётга қайтишига, ўқиб таълим олишига жамиятимиз учун керакли инсон бўлиб вояга етиши учун ҳаммамиз ҳаракат қилайлик. Мен унинг бошқа бундай иш қилмаслигига кафиллик бераман ва унинг тарбиясини ўз зиммамга оламан.

***

Юртимизда малакали педагогларнинг таҳсил беришдан ташқари олиб бораётган бу каби жонкуярлик ишлари саноқсиз. Бугун маънавиятимизни тиклаш — иймон-эътиқодимизни барқарорлаштириш адашганларни яхшилик билан йўлга солиш, ўз Ватани, халқини, аждодлари каби суйиб, пок ва беғубор яшаш ҳақида амалий қадамлар ташлайдиган дамлар келди.

Давлатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ юртимизда барча ўта муҳим масалалар қатори ёшлар тарбиясига ҳам катта эътибор ва ғамхўрлик қаратилгани, бежиз эмас. Зеро, ёшлари маънан соғлом, баркамол юрт қудратли бўлур. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ёшларга етарли таълим-тарбия бериш учун малакали педагог касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар барпо этилди. Ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизими вужудга келтирилди.

Истиқлол йилларида ўқитишнинг мутлақо янгича бўғини — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими яратилди. Эндиликда наинки олий ўқув юртлари, ҳатто коллеж ва лицейларга ҳам ёшларимиз пухта интеллектуал тайёргарлик асосида, тест синови билан қабул қилинмоқда. Бугун қад ростлаётган замонавий билим масканлари, болалар марказлари, мусиқа ва тасвирий санъатга ихтисослашган ўқув даргоҳлари, турли ижодий лойиҳалар нафақат ўқувчи-ёшлар, айни пайтда педагогларни ҳам янгича фикрлашга, изланишга, ўқитувчи меҳнатини улуғлаш борасидаги ғамхўрликларга муносиб бўлишга ундамоқда.

Мутахассис шахсни шакллантириш педагогларнинг билим савияси, маҳорати ва дунёқараши билан ҳам узвий боғлиқ. Негаки, педагог жамиятда ҳамма вақт ўзига хос ижтимоий, маданий, маънавий-ахлоқий ва касбий мақом эгаси сифатида етук вазифани ўтайди.

Педагог кадрларнинг ўқувчи ёшларга нафақат замонавий талаблар даражасида таълим-тарбия бериши, уларнинг дунёқарашидаги ўзгаришларга, ташқи муҳитнинг ижобий ва салбий таъсирини сезадиган даражада умуминсоний тафаккурга, билимга эга бўлишларини тақозо этади.

Зеро, бугунги кун ёшлари жуда талабчан, билимга чанқоқ. Уларнинг таълим олиш жараёнидан ташқари бир соатлик бўш вақтини инсонпарварлик, эзгулик, меҳр-оқибат, ватанпарварлик туйғулари билан бойитишга қаратиш интернет тармоқларидаги ҳар хил жангари ўйинлар-у, бузғунчи ғоялар уларнинг онгини эгаллаб олишга йўл қўймаслик зарурати бор. Улар ўзларининг илм-маърифат йўлида бир дақиқада эга бўлаётган фойдали маълумотлари, фаннинг инкор этиб бўлмайдиган ютуқларидан баҳраманд бўлаётганлари баробарида ҳудди шундай тезликда бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолаётганлари ҳам сир эмас.

Шу боис, Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча шаҳар ва қишлоқлар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда яратилган шарт-шароит ва имкониятлар фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши, жамиятда муносиб ўрин топишига хизмат қилмоқда. Бу жараёнда эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни турли ёт ғоя ва мафкуралар таъсиридан асраш, уларни миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида юксак маънавиятли инсонлар бўлиб камолга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Бу каби хайрли ишлар ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, Юрт тинчлиги, оила муқаддаслиги, ота-она қадри каби ғояларини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Маълумки, ёшлар ҳамма масалада жуда таъсирчан, ҳиссиётга берилувчан бўлади. Айниқса, улар ҳаётда учраб турадиган адолатсизлик, ноҳақлик ҳолатларини нозик ҳис қилиб, бу борадаги ижобий ва салбий ўзгаришларни ғоят тез ва ҳассослик билан қабул қилади. Юртбошимизнинг: **«Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга киряпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман",** деган сўзлари ҳар биримизнинг қалбимизда Ватан туйғусини жўш урдиради. Бу сўзлар замирида навқирон авлодга нисбатан қанчалар меҳр, ишонч ва эътибор мужассам эканини кўриб ҳис этиб турибмиз.

***

Ўктам муаллим ваъдасининг устидан чиқди. Санобар билан Отабек дарсдан кейин Муроджонга кўмак беришди. Акром кечқурун китобларини олиб, уларникига келиб бирга дарс қиладиган бўлди. Муроджон бу йил мактабни аъло баҳоларга тамомлаб олдига жиддий мақсад қўйди. Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежига ўқишга кирмоқчи.

Дарвоқе, тиш ҳақидаги ҳикоя эсдан чиқай, дебди. Доктор қабулидан чиқибоқ, тилимни тишимга теккизиб кўрдим. Мустаҳкам, худди аслидек.

Абу Бакир ЎРАЗОВ

КИТОБХОНЛИК

ТУЙҒУЛАР ИФОДАСИ

Маънавий етук одам ҳаётда ҳеч қачон лоқайд бўлмайди. Эзгу ишлардан кўнгли тўлиб, руҳи равшанлашади, инсон фожиасидан изтиробга тушади. Бу ҳол фожианинг моҳиятини англаб етгунча давом этади. Англаб етгач, кўнгли бироз таскин топади. Чунки бундан унинг кўнглида катарсис (қалб покланиши) ҳодисаси рўй беради.

Маҳмуд Тоирнинг «Оқиб кетган армонлар» достони ҳам ана шундай хусусиятга эга. Достонда бўлиб ўтган воқеа қаламга олинган. Паркентнинг Тўполон сойида Гулбаҳор деган аёл тўрт яшар ўғли ва икки баҳорни кўрмаган қизи билан сойдан ўтаман деб оқиб кетади. Эри, қариндош-уруғларининг қидирмаган жойи қолмайди. Ўн тўрт кундан сўнг сой бўйида одамлар кийимларини тошлар бурдалаб ташлаган, аёл мурдасини топишади. Суратини кўрсатишганда эри: «Менинг аёлим эмас. Агар у бўлса, ўғлим, қизим қани?» — дейди. «Тоққа сайрга чиққанлардан бўлса керак», деган хулосага келишиб, дафн этилади. Бироқ кўп ўтмай Гулбаҳор жасади топилган жойдан иккиуч чақирим қуйида болалар жасадлари ҳам топилади.

Бу воқеадан шоир қаттиқ қуюнади, фожиа унга тинчлик бермайди. Ва ниҳоят руҳига таскин берадиган, яъни қалби дўлда қолган қизилгулдек пора-пора бўлган одам ҳолатининг аниқ манзарасини инкишоф қилиш ва фожиа моҳиятини очиб бериш орқали инсоннинг туйғуси, онгига таъсир қилиш нуқтасини топади. Шундай ҳолатдагина киши вужудида покланиш ҳодисаси рўй беради. Достонни ўқиган одам бунга ўзи ишонч ҳосил қилади.

Достон гарчи аниқ воқеа асосига қурилган бўлса-да, ундаги ботиний нидо, қалб фарёди тасвири фожийликни бениҳоя кучайтирган. Бу ҳолат, ўз навбатида, мақсад сари йўналтирилгани учун шоирнинг концепцияси — инсон ҳар доим ақл билан иш юритиши, жаҳлни ақл ила енгиши, ўз ҳаёти қадрига етишини теран англайди. Асарнинг ёзилиши ҳақида шоир шундай дейди: «Ҳа, азизлар, бу фарёдни битмоқ мушкул. Ҳамонки ёзишга журъат қилибсан, унда жонингда йўнилган қаламни бўғизгача қонинга тўлиб турган юрагинг — сиёҳдонга ботирмоқ лозим». Шоир шундай қилган. Бу достоннинг ҳар бир мисрасида сезилиб туради:

Бир ота бўзлай келар,
Шу сойда дунёси бор.
Умрини қаро қилган,
Кўзларин қароси бор.
Гулбаҳор, кўксингдаги
Озормиди, ўқмиди?
Фарзандинг олиб ўтсанг,
Ўзга йўллар йўқмиди?

Яна шоир Гулбаҳор тилидан шундай дейди: «Мен янглишдим! Лекин сиз ёзинг, ўзгалар мендек хорланмасин. Тирикликнинг қадрига етмаслик бу бахтсизликнинг ибтидосидир. Инсон учун ўлимдан осон иш йўқлигини мен жуда кеч англадим...»

Инсоннинг руҳий тинчлиги бузилса, у мувозанатини йўқотиб кўяди. Мувозанатини йўқотган инсон эса тўғри тафаккур қилолмайди. Гарчи инсонийликка зид бўлса-да, қўл ураётган иши ўз шаънини, қадрини ҳурмат қилаётгандай туюлади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон ўз тафаккурига суяниб иш тутса, руҳий қийноқларни даф қилиб, ваҳшийлик исканжасидан қутулиб, ўзини ва яқинларини руҳий азоблардан халос этади. «Азобнинг овози» достонининг лейтмотивини шу фалсафий ҳақиқат ташкил қилади. Албатта, шоир буни очиқ баён қилмаган, достон воқеалари заминига сингдириб юборган. Севишиб турмуш қурган, икки қиз, бир ўғилга эга бўлган оиланинг соҳиби ўз аёлига хиёнат қилади. Ғазаби тафаккуридан устун келган аёл эса бундан кейин фарзандлари ва яқинларининг аҳволи нима кечишини ўйламайди. Шоир фожиани эмас, ундан кейинги аҳволни акс эттириш орқали ўз фикрини илгари суради. Бу жуда катта мантиқ кучига эга. Чунки тутилган йўл эмас, унинг натижаси кишининг онгига таъсир қилади ва кўзини очади. Шоир ёзади:

...Бу дунёнинг оҳларин,
Ҳар ким тортар ўзича.
Бу дарду ғам бормикин,
Шу болалар бўзича?

Бундай ҳақиқат ва фалсафа билан йўғрилган фиғон ҳар қандай вужудни титратиб, қилмишининг натижасини ўйлашга ундаши муқаррардир. Достоннинг деярли барча мисралари шундай қувватга эга.

«Огоҳ бўл, дунё» достони яхлит сюжет асосига қурилмаган. У «Яшаш — бахт», «Хўрлик йўли», «Асрай билгин», «Армон» каби бўлимлардан иборат. Сиртдан қараганда уларнинг бир-бирига алоқаси йўқдек, шоирнинг ҳаёт ва жамиятга оид қарашлари акс этган мустақил манзумалардан иборатдек туюлади. Лекин бу бўлимларни ўқиб, уларда ўз мужассамини топган шоир концепцияси мушоҳада қилинса, илгари сурилган ижтимоий фикрни, яъни мустақиллик ўз-ўзидан юзага келмаганлиги, бугунги кун даражасида осонлик билан шаклланмаганлигини англаш мумкин. Шунингдек, бўлимларда «дунё ҳамиша қалқиб турган ва қалқиб туради. Чунки ғаламислар ер юзидан бутунлай супуриб ташланмаган, шундан огоҳ бўлиш керак», деган бугунги ҳақиқат фалсафаси ҳам ўз мужассамини топган. Бу фалсафий ҳақиқат яхлитликни таъминлаган ва достоннинг долзарблигини белгилаган.

Хулоса қилиб айтсак, Маҳмуд Тоир достонларида туйғулар фожиаси ва ҳаёт ифодаси ёрқин ҳамда таъсирчан ёритилган. Улар шу хусусияти билан адабиёт оламида муҳим ўрин тутади.

Ҳакимжон КАРИМОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

СОҒИНЧ ЖИЛОЛАРИ

Бугунги адабий жараён янги номлар билан бойиб бормоқда. Албатта, ўзбек адабиётининг истиқболи улар яратаётган асарлар билан янгича кўриниш олади. Ана шундай истеъдодли ижодкор Носиржон Жўраев машқлари, шеърларидаги самимийлик қалбимизга яқинлиги билан ажралиб туради.

Мана қаранг, шоирнинг Наврўзга мурожаати нақадар тиниқ ва таъсирли! Унда баҳорга етолмаганларнинг дарду ҳасрати, «йиқилган», «хорганлар»нинг армони ҳаққоний акс этган:

Оппоқ ҳовур пуркаб келди бир тулпор,
Келди-ю, депсиниб ерни уйғотди.
Сенинг юрагингда нима гап, баҳор,
Сенга етолмасдан яна ким ўтди?

Инсон қалби доимо хушхабар кутиб яшайди, ҳамиша эзгуликка интилади. Шоир буни чуқур ҳис этиб, содда ва оддий қилиб ифодалайди. Унинг Наврўзга, майсага («Менга дардларингни ёр, титраган майса...») мурожаатларида ҳаётнинг мангу дарду ғамлари аксини топгандай туюлди. «Кўклам»нинг биринчи қисмидаги маҳзунлик ўрнини иккинчи қисмда баҳорни улуғлаш асосида у инсон қалбининг турли кечинмаларини ёрқин акс эттира олган: «қаҳратонга сиғмаган» қалбнинг кўкламга интилишидаги табиийлик, рамзийлик қўшилиб, шеърга тароват, ўзгача бир жозиба касб этади.

Туркумдаги «Аёл» шеъри ҳам оҳорли сатрлари билан аёлга қасидадай жаранглайди.

«Сен куйдирсанг, кўнгил куйиб йўқ бўлади,
Кўнгил ҳаққи бу дунёни ёқма, Аёл!»

Шеърдаги қайтариш санъати шоирнинг мақсадини китобхонга тез ва таъсирчан етказишга ёрдам беради. Умуман, ёш шоирнинг мурожаатдан тез-тез фойдаланиши, қалбидаги дардларини содда ва жозибали тарзда ифодалашга ҳаракати унинг истиқболига ишонч уйғотади.

Ишқ, муҳаббат ҳақида ёзмаган ижодкор йўқ, аммо ҳар бир шоир у ҳақда янги сўз айтсагина, шеърхон қалби ҳузур топади:

Пешонамга омоч тортади кунлар,
Кўзимда милтиллаб сўнар учқунлар.
Теранлашган сайин манглайимда хат,
Тобора олислаб борар муҳаббат.

Ҳаётнинг реал, аччиқ ва ҳаққоний лавҳаси, инсон қалбининг дардли армони эмасми, бу сатрлар?! Ёши ўтиб бораётган лирик қаҳрамоннинг озурда қалби «пешонамга омоч тортади кунлар» сингари оригинал мисраларда ёрқин кўринади.

Шоир шеърларида соғинчнинг турли рангларини, жилоларию ҳолатларини ёрқин чизишга ҳаракат қилади, "ўзини зор этиб" соғинган лирик қаҳрамон маъшуқасини "кипригида тутиб", "нафасини ютиб", "жонини оғритиб" ва ниҳоят "соғинишини кутиб" сени соғиндим деб ёзади. Соғинч дардини чеккан инсон борки, бу сатрларни ўз қалбига яқин олади. Нафақат маъшуқасини, диёрини, баҳорни соғинган қалб шундай самимийлик билан дилтортар мисраларни сизга ҳавола қилади:

Кел, бир бағрингга ол, бир бор ўпиб қўй,
Мен бу қаҳратонга сиғмайман, кўклам.

"Муҳаббатдан сўнг" ("Академнашр", 2010) китобига кирган шеърлар ва "Ноябрь куйи" деб номланган қисса ҳам Носиржон Жўраевнинг қалами чархланиб бораётганлигини намоён эта олади. Шоирнинг "Ҳайрат" шеърини ўқир экансиз, кўзларингиз оддий ҳақиқатлар ҳайратидан завққа тўлиб, порлаганини сезмай қоласиз.

Яратганнинг иши тугал назокат,
Нафисдир оламга берган чизгиси.
Қаранг она ерга, қаранг фазога,
Ҳар битта нуқтада гўзаллик изи.

Оламдан гўзаллик излаётган қалб ҳайратлари: тонг отиши ва кун ботишидаги гўзалликдан завқлана олиш, тунда юлдузларнинг ой атрофида порлашию тонгда қуёшнинг она Ерга нур таратиши, инсон умри, табиатининг йил фаслларига ўхшашлигидан ҳайратланиш, табиатдаги жамики ҳайвонот ва наботот оламининг, одамзотнинг бир-бирига изчил боғлиқлиги занжиридан қалби жунбушга кела олиш завқи... Чиндан-да, Аллоҳнинг мўъжизаларидан ҳайратлана олган, уни англаган қалбгина бундай сатрларни битади, оддий, бироқ шу билан бирга, ҳаётнинг бош қонуни бўлган фалсафани ўзига хос усулда китобхонга ҳавола этади.

Тўпламдаги "Ноябрь куйи" қиссаси реализм ва модернизм синтези асосида яратилган бўлиб, фалсафий-психологик туркумга мансуб. Унда фикрлаш доираси анча кенг, хаёлпараст йигитнинг ўй-хаёллари, ички кечинмалари тасвирига кенг ўрин берилган. Ижодкор шеърларида асосий ўрин эгаллаган мавзу: муҳаббатнинг армони ва дардларини насрда ҳам давом эттирган. Шу боис, "тобора олислаб бораётган муҳаббат"ини қўмсаган қаҳрамоннинг ўй-кечинмалари, қалбидаги севгининг аламли ва армонли оҳангнинг маҳзун янграши, "кузнинг куйи" сизни ҳам бефарқ қолдирмайди.

Қиссанинг қизиқарлилигини таъминлаган омиллардан бири — асар композициясида ўзига хос ўрин тутган телефон деталининг киритилиши, шу орқали инсон руҳияти, қалбининг очиб берилишидир. Асар қаҳрамони вазмин, ўз шахсий қарашлари, мулоҳазаларига эга бўлган, ўйчан йигит тарзида тасвирланган. Қиссани ўқир экансиз, тобора унинг ичига кириб бораверасиз, қаҳрамоннинг ҳар бир сўзи, ишига эътибор қаратиб, унинг хатти-ҳаракатларини ўзингизча баҳолайсиз. Унинг ҳалоллиги, ўз фикрида қатъийлиги, эътиқоди кучлилиги раҳбари билан кечган мулоқотларда, ҳаёт, муҳаббат ҳақида ўйлаганида аниқ кўрсатилади.

Қаҳрамоннинг бошқаларга ўхшамайдиган, ўзгача фикрловчи инсонлигини унинг сўзлари ҳам яққол намоён этади: "Лекин менга қор унчалик ёқмайди. Ёмғирнинг йўриғи бошқа — у инсон кўнгли билан ҳисоблашади... аслиятни янада равшанроқ кўрсатади... Қор эса қип-қизил, ям-яшил тунука томларни ҳам, қўнғир йўлларни ҳам, қоп-қора тоғларни ҳам фақат оққа бўяйди. Ахир, одам деганнинг кўзи тиниб кетади-ку! Ерни ҳам, кўкни ҳам, одамлару машиналарни ҳам фақат бир рангда кўриш, бу — адолатсизлик эмасми?!" Ҳақиқатан ҳам қор ёққанда ҳаммаёқ бир хил тусга киради. Ҳаётнинг кир, ифлос жойларини ҳам оқлик ўз бағрига олгандек кўринади. Бу мулоҳазалар ўқувчини мушоҳада юритишга ундайди.

Насрда ҳам, назмда ҳам маҳорати ошаётган ижодкор сўз устида тер тўкиш машаққатидан қочмаса, унинг яхши бир шоир, эл севадиган ижодкор бўлиб етишишига умид билдириб қолгимиз келади.

Шоира АҲМЕДОВА,
Бухоро давлат университети доценти

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДАН ХАБАРЛАР

Кутубхонамиз шинам, кўнглимиз обод

Ҳозир ўқувчилар ёзги таътилда. Бу вақтдан унумли фойдаланиш эса айни муддао. Кимдир оромгоҳга дам олгани боради, яна кимдир уйда қолиб, катталарга рўзғор юмушларида кўмаклашади. Айниқса, таътил даврида севимли ёзувчи-шоирларнинг китобларини мазза қилиб ўқиш ҳаммасидан ҳам севимли машғулот.

Самарқанд давлат университети қошидаги 1-ахборот-ресурс маркази, мана, бир неча йилдирки, илмга чанқоқ китобсеварларнинг севимли масканига айланиб улгурган. Мазкур кутубхона Оқдарё туманидаги Янгиқўрғон қишлоғида жойлашган бўлиб, менинг китобга меҳр қўйишимда ушбу илм масканининг ўрни катта бўлган.

Ҳар доим кутубхонамизнинг ёшлар билан гавжумлигини кўриб севинаман. Жавонларда тизилиб турган китобларни айтмайсизми? Орамизда интернетга қизиқувчилар кўп. Аммо янгиқўрғонлик аксар ёшлар бўш вақт топди, дегунча кутубхонага шошади.

— Ёши улуғлар ҳам келиб туради, — дейди ахборот-ресурс маркази директори Фароғат Тўраева. — Кутубхонамиз фондида 20 мингга яқин китоблар мавжуд. Одамларни, айниқса, ёшларни мутолаага қизиқтириш мақсадида турли маърифий тадбирларни ҳам ўтказиб турамиз. Хусусан, «Дунё сеники, болажон!» мавзуидаги китоблар кўргазмаси, «Бола кулса, олам кулади», «Аждодларимизни унутмайлик» ва бошқа шу каби кечалару учрашувлар ёшларимизнинг китобга меҳрини янада оширишга хизмат қилмоқда.

— Болаликдан китоб ўқишга қизиққаним сабаб қишлоғимиздаги кутубхонага аъзо бўлдим, — дейди тумандаги 2-мактаб ўқувчиси Ирода Салоҳиддинова. — Кутубхона ходимларининг ширин муомаласи, ҳар бир китобга эҳтиёткорона муносабатидан ўрнак оламан. Ушбу маскан биз, ёшларнинг юрт учун муносиб фарзандлар бўлиб етишишимизга хизмат қилмоқда.

Китобга меҳр, аввало, оилада унади. Болаликда эшитган эртак, ҳикоялар китоб ўқишга ҳавас уйғотади. Болага китобни ўқиб беришгина эмас, балки ўқилганлар юзасидан фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш керак. Интернетда қандайдир бемаъни ўйинларни ўйнаб вақт ўтказиш қаерда-ю, китоб варақлаб асар қаҳрамонларининг ўй-қарашлари билан танишиш қаерда. Китоб ўқиш, уни мароқ билан ўқиш, бу кишига ҳам завқ, ҳам шавқ бахш этади.

Райҳона ОЧИЛОВА

ВАТАН ВА ВАТАНПАРВАРЛИК ҲАҚИДА

Булбул чаманин севар,
Одам — Ватанин.

***

Еридан айрилган, етти йил йиғлар,
Элидан айрилган, ўлгунча йиғлар.

***

Она юртинг — олтин бешик.

***

Тинчлигинг — ҳурлигинг.

***

Халқ иши — ҳақ иши.

***

Халққа суянсанг, бўласан,
Халқдан чиқсанг, сўласан.

***

Эл билан кесилган бармоқдан қон чиқмас.

***

Элга маъқул — сенга маъқул.

***

Элга қўшилганнинг кўнгли тўқ,
Элдан ажралганнинг бети йўқ.

***

Элдан айрилгунча, жондан айрил.

ФУТБОЛДАН БАҲРА ОЛИНГ!

Бугун бутун дунё футбол шукуҳи билан яшамоқда. Польша ва Украинада Европа чемпионати гуруҳ ўйинлари қизғин давом этаётган бўлса, бизнинг қитъамизда 2014 йили Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг саралаш босқичи ҳал қилувчи паллага кирди.

Очиғи, «Евро-2012» турнридаги бир-биридан ажойиб футбол спектакллари миллий терма жамоамиз қатнашаётган жаҳон чемпионати саралашидаги ўйинларга бўлган қизиқишимизга бироз соя солгандек бўлди. Боз устига, футболчиларимиз иштирокидаги дастлабки икки учрашувда бор-йўғи 1 очконинг қўлга киритилиши (аслида, 5 очконинг йўқотилиши) ҳафсаламизни пир қилди. Айниқса, Ливан терма жамоасига қарши сафарда ўтказилган ўйинда аксарият футболчиларимизда ғалабага бўлган иштиёқ, шижоат, фидойилик (балки ватанпарвалик туйғуси) сезилмади. Бир-бирини яхши тушунмаслик, имкониятлардан фойдалана билмаслик панд берди.

Хуллас, жаҳон чемпионати сари сўнгги йўлни жуда ёмон бошладик. Бунга терма жамоамизнинг ўйинларга пухта ҳозирлик кўрмагани, ҳатто биронта ҳам ўртоқлик учрашуви ўтказилмагани сабаб бўлса, ажабмас.

Миллий терма жамоамиз кейинги ўйинни сентябрь ойида Тошкентда ўтказади. Жанубий Кореяга қарши. Кучли жамоа, гуруҳимиз пешқадами. Шу боис, терма жамоа мураббийи ва футболчиларимиздан, қолаверса, мутасаддилардан катта масъулият, керак бўлса, матонат талаб этилади. Зеро, мухлисларга энди фақат ғалаба керак.

Энди Европа чемпионати ўйинларига тўхталсак. Чемпионат гуруҳ баҳсларининг дастлабки ўйинлари ҳар кимда ҳар хил таассурот уйғотди. Хусусан, турнинг даслабки учрашувида мезбонларни омад ва дарвозабон мағлубиятдан асраб қолди. Польшаликлар бу ўйини билан узоққа боршолмаса керак. Россия терма жамоаси эса чехларни йирик ҳисобда мағлуб этиб, «А» гуруҳи фаворити эканлигини кўрсатди.

«Ўлим гуруҳи» деб аталаётган «В» квартетида кутилмаган ҳисоб қайд этилди. Камтаргина Дания миллий терма жамоаси кўплаб маҳоратли футболчиларни ўзида жамлаган Голландияни очкосиз қолдирди. Энди «қизил лолалар юрти» вакилларига осон бўлмаслиги тайин.

«С» гуруҳи ҳам анойилардан эмас. Чунки ушбу гуруҳдан Испания, Италия ва Хорватия тема жамоалари жой олган. Кейинги босқичга чиқиш учун эса айни ўша жамоалар даъвогарлик қилади, шекилли. Ҳарқалай, дастлабки таассуротлар шундан далолат бераяпти. Яна ким билади, дейсиз...

«Д» гуруҳи. Бу ерда яна бир мезбон жамоа — Украина Златан Ибрагимович жамоадошларига қарши кечган дастлабки ўта қийин ўйинда ниҳоятда муҳим 3 очкони қўлга киритди. А.Шевченконинг бош билан урган икки голи украиналик футбол ишқибозларига олам-олам қувонч улашди.

Хулосамиз шу: ҳали ҳаммаси олдинда, аниқ бир тўхтамга келиш эса ноўрин. Нега деганда, футболда, айниқса, Европа футболида ҳар нарса бўлиши мумкин. Ҳозирча «кўҳна қитъа» футболидан баҳра олинг!

Нилуфар ЖУМАМУРОДОВА



МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖИ

"ИТАЛИЯ КВИНТЕТИ"

Тошкент фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон — Италия дўстлик жамияти, Италиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида истеъдодли ёш рассомларнинг "Италия квинтети" номли кўргазмаси ташкил этилди.

Кўзлаган этиш жоизки, бундан 20 йил аввал икки давлат ўртасида дўстона муносабатлар йўлга қўйилганидан сўнг юртимиздаги кўплаб иқтидорли йигит-қизлар Италияда таҳсил олиб қайтган эди. Шу жумладан, кўргазмаси очилган Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти рассомлик факультетининг 1998 йилги битирувчилари Камолжон Бобоев, Жарилкаган Изентаев, Эшмат Ҳайитов ва Рустам Зиёдуллаев ушбу мамлакатнинг Комо шаҳридаги Альдо Галли номидаги нафис санъат академиясига ўқишга юборилган эди. Ватанида яхши билим олган ёш рассомлар Италияда ҳам ўқиш давомида ўз билим ва кўникмаларини бойитиш, маҳоратларини сайқаллаштириш билан бирга, у ердаги жаҳон тасвирий санъатининг юксак намуналари билан бевосита танишиш имконига эга бўлишганди. 2002 йилда Италияда ўқишни имтиёзли диплом билан тамомлаган йигитларимиз бугунги кунда ҳам рассомлик, графика, ҳайкалтарошлик, фотография каби йўналишларда баракали ижод қилишмоқда.

Айни кунларда улар Бадиий академия ҳузуридаги Бадиий ижодкорлар бирлашмаси аъзоси ҳисобланиб, республикамизда ўтказилаётган кўплаб кўргазмалар ва халқаро биеннале-ларда фаол иштирок этишмоқда. Камолжон Бобоев ва Рустам Зиёдуллаев ижодий алоқаларни давом эттириб, Комо шаҳрида шахсий кўргазмасини ўтказган бўлса, Эшмамат Ҳайитов ва Жарилкаган Изентаев бугун Миллий рассомлик ва дизайн институтида ёшларга сабоқ бермоқда.

Улар томонидан яратилиб, кўргазмага қўйилган асарларни кузатган ҳар бир санъат ихлосманди ижод маҳсулларида замонавий ва антик Италия санъатига хос анъаналар синтезлашганига, ўзбекона мазмун ва моҳият касб этаётганига, тасвирий санъат макон ва замон билмаслигига яна бир карра амин бўлади.

Ўйлаймизки, Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги дўстона алоқалар санъат соҳасида бундан кейин ҳам ривожланиб, ҳар икки мамлакатни бир-бирига янада яқинлаштиради.

Мадина АКБАРОВА

ЯНГИ ФИЛЬМ

«Паризод»

Тақдир ҳар бир инсон пешонасига такрорланмас ёзуғ битади. Умр сўқмоқларида адашмаслиги учун зоҳирий белгиларни намоён этиб боради. Аммо уларни сезиш, ҳис қилиш барчага ҳам насиб этавермайди. Дунё ва инсон ҳаёти моҳиятини таҳлил қилган назаркарда алломалар бекорга «кўзларинг кўр бўлса бўлсин, қалб кўзинг кўр бўлмасин», деб ёзғирмаган.



Яқинда Республика «Киночилар уйи»да премьераси бўлиб ўтган «Паризод» фильмини кўриб, кўнглимдан ана шундай мулоҳазалар ўтди. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмаси асосида «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган мазкур янги фильм таниқли ёзувчи Эркин Аъзам сценарийси ва истеъдодли кинорежиссёр Аюб Шоҳобиддиновнинг ижодий ҳамкорлиги маҳсули ҳисобланади.

Фильм бошида отасини даволаган йигитни эшон шундай дуо қилади: «Йўлингизда парилар ҳамроҳ бўлсин». Тақдирнинг раъйини кўрингки, уйга қайтишда Жонибекка нақ парининг ўзи ҳамроҳ бўлиб турибди — пари қишлоқлик қиз. Йигит тоғда, йўл четида тош устига ўтирганча, улов кутиб турган бу қизни мотоциклида уйига олиб келади.

Жонибек содда, қишлоқнинг кўнгилчан йигити. Бир қизга унаштириб қўйилган, тез орада тўйи бўлиши керак, ҳозирча қўли сал калталик қилиб турибди. Аксига олиб уйига номаҳрам қизни олиб келгани бир зумда бутун қишлоққа ёйилади. Шу орада қудаларнинг норозилигини «кўтариб» келган опа яхшигина «маслаҳат» ҳам бериб кетади.

Унга амал қилган йигит мотоциклида пари қизни бобоси тенги одамнинг уйига олиб бориб қўяди. Аммо ўша кекса киши ҳам, хотини вафот этиб, икки боласи билан қолган йигит ҳам, ошиқ бойвачча ҳам бу соҳибжамол ва сирли парининг ўзига муносиб эмаслигини ич-ичидан ҳис қилиб, «эгаси»га қайтараверади.

Дунёни яратган зот барчага ўзига хос толе ва бахт ато этган. Фақат ҳамма уни ўзи топиши, ҳаёт қасрини ўзи барпо этиши лозим. Жонибек эса бу пари қиз унга тангрининг иноятн эканини вақтида англаб етолмайди. Гумроҳлик ва турмушнинг чегаланган йўриғи унинг фаҳмини зулматга ботиради.

Хўш, пари қиз — тақдирнинг суронли йўлларида саргардон кезган бу ғарибу бенаводнинг гуноҳи нима? Яқинларини йўқотиб, қисматнинг аччиқ шаробини тотганими, ёки номусига тажовуз қилмоқчи бўлган каснинг дастидан қишлоғидан бош олиб кетганими? Нега у ўзи учун ҳозирланган кўргулликларга сўзсиз бўйсунади? Нима учун фариштадек беғубор ва маъсум бўла туриб, ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди? Наҳотки бу шўрпешонани тушунадиган, қалбига қулоқ тута биладиган кимса йўқ? Фильмни кўрган сари бу каби саволлар ўз-ўзидан қуйилиб келаверади. Саволларки, жавобини ҳар бир кўнгил ўзидан ахтариши керак бўлган адоқсиз...

Фильмда қаҳрамонларнинг характери диалоглар, хатти-ҳаракатлар, орқали очиб берилган. Айниқса, диалогларнинг пишиқ-пухта тузилгани, сўзбозликдан холилигини таъкидлаш лозим. Бош қаҳрамонни талқин этган Зарина Низомиддинова ҳам ўз ролини қойилмақом ижро эта олган. Ғарчи у фильмда бир оғиз ҳам гапирмаса-да, хатти-ҳаракати, юз ифодаси, кўз қарашлари орқали пари қизнинг қиёфасини кўз олдимизда тўлақонли гавдалантиради. Фильмда роль ижро этган Самиддин Лутфуллаев, Бахтиёр Қосимов, Дилором Каримова, Беҳзод Муҳаммадкаримов, Вазира Юнусова, Толиб Мўминов, Лола Элтоева, Тоҳир Саидовларни ҳам томошабинлар бутунлай ўзгача қиёфада кашф этади.

Дарвоқе, шу ўринда битта гапни жудаям айтгимиз келаяпти: бу фильм ҳақида минг марта эшитгандан кўра бир марта кўриш керак. Лекин, афсуки, премьера куни бутун залда жой етмаганидан анчамунча одам тик оёқда томоша қилган, узундан узоқ қарсаклар билан олқишланган — «Паризод» пойтахтимиздаги энг катта икки киносаройда ҳам қўйилмаяпти. Камина азбаройи яна кўргим келгани учун бориб, кўролмай қайтдим. Сабаби, уларга билет оладиган томошабиннинг ўзи йўқ. Балки, бундай киноларни реклама қилишни кино ишлашдан олдин бошлаш керакмиди? Яна билмадим.

Лекин нима бўлганда ҳам ўзбек кино мухлисларини янги, бутунлай ўзгача — тез орада халқаро фестивалларда юксак ўринларни қўлга киритадиган бадиий фильм билан табрикласа бўлади. Ҳар ҳолда хаёлимиздан ўтган шу хуш ниятнинг ўзи ҳам кўнгилга оламвор хушнудлик бағишлайди.

Сўзимизни ҳаёт ҳақидаги мушоҳадалар билан бошлагандик, ниҳоясида ҳам фильмдан олган таассуротларга ҳамоҳанг равишда дунё тамаддунида ўчмас из қолдирган инсонлардан бирининг гапини илова қилгимиз келди: «Ҳаёт имконият — уни бой бермаслик керак. Ҳаёт гўзалликдир, унга ҳайратланиб боқиш лозим. Ҳаёт фожиалардир — унга бардошли бўлишимиз талаб этилади. Ҳаёт бурчдир — уни виждонан адо этиш шарт. Ҳаёт бахтдир — уни ўзимиз яратишимиз зарур».

Иномжон ШАВКАТОВ

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУҲОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Гулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 00

Адади: 10737 Буюртма — Г-655 1 2 3 5